



Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Қонунчиллик ва хукуқ-тартибот учун!

Ноңгига

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 5 сентябрь, пайшанба • 36 (3460)-сон

АССАЛОМ, МАКТАБ!



*Сенда фанлар
хилма-хил,
Онгим ўсар
йилма-йил.
Кувончларга
тўлар дил,
Қадрдоним
мактабим!*



Республикамиздаги минглаб мактаблар яна болажонларнинг шўх-шодон қийқириғига тўлди. Уларга илму одобдан сабоқ берайлик, деб азиз устозларнинг жони ҳалак. Ҳукуматимиз таълим муассасаларини замонавий ўқув воситалари, компьютерлар билан таъминлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратяпти. Бугунги кун талабига жавоб берадиган дарсликлар яратилияпти. Муддао битта – келажак авлодни ҳар томонлама етук қилиб камол топтиришидир.

М. НУРИНБОЕВ олган суратлар.

УЧНИНГИ «Ноңгига»
газетасининг ғловаси
+ **TV OLAM**

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

7 сентябрь куни республикамиз спорт ҳаётида том маънода оламшумул воқеа юз беради. Катта тенис байрами – “Президент кубоги” IX ҳалқаро турнири бошланади. Бу мусобақаларда жаҳоннинг етакчи тенисчилари иштирок этишади. Ишқибозлар шиддаткор, кескин беллашувларнинг гувоҳи бўлишади.

КАТТА ТЕНИС БАЙРАМИ

Олтинчи бор професионал тенисчилар ассоциацияси (уюмаси) доирасида ўтказилаётган Тошкент турнирининг ўзига хос жиҳатлари бор. Унинг АТР Кенгаши томонидан таъсис этилган соврин билан тақдирланганлигининг ўзи ҳам бунга гувоҳлик бериб туриди.

ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда бўлиб ўтган навбатдаги Маърифат дарсида Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Отениёзов қатнашди.

Маълумки, Алланиёз оға ўз маблаги ва меҳнати ҳисобига қаровчиси йўқ, ёлғиз кексаларга уй-жой, болаларга мактаб ва боғчалар куриб берган. Қаҳрамон ўзининг меҳнати, хайр-саҳовати ҳақида камтарлик билан гапирав экан, айни пайтда ҳукуматимиз томонидан қарияларга кўрсатиладиган иззатикромни юқори баҳолаб, ҳалқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган милиция ходимларининг ишига муваффақият тилади.

Д. ХУДОЙШУКОРОВ.

ДИҚҚАТ! ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Тергов тизимларида тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бораётган тергов ҳодимлари томонидан қонун бузилишларига йўл қўйиш, шунингдек, тергов идоралари ҳодимларининг дастлабки тергов олиб боришидаги фаолиятига процессуал ваколатта эга бўлмаган мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашуви ҳолатлари мавжуд. Шуни эътиборга олиб турли хил тўсқинликларсиз, бевосита ва эркин мулоқот қилиш имкониятларини яратиш, аниқланган салбий ҳолатларга ўз вақтида таъсир чоралари кўриш ва уларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги куйи тизимларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилган.

Юқоридаги масалалар юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қўйидаги телефонларга мурожаат қилишининг мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТББ	Тошкент ш.	133-65-34
Қарақалпоғистон Республикаси ИИВ ТБ	Нукус ш.	222-56-19
Тошкент шаҳар ИИБ ТБ	Тошкент ш.	56-74-82
Тошкент вилояти ИИБ ТБ	Тошкент ш.	64-41-83
Самарқанд вилояти ИИБ ТБ	Самарқанд ш.	33-50-75
Сирдарё вилояти ИИБ ТБ	Гулистан ш.	25-27-94
Жиззах вилояти ИИБ ТБ	Жиззах ш.	6-14-02
Бухоро вилояти ИИБ ТБ	Бухоро ш.	4-40-09
Навоий вилояти ИИБ ТБ	Навоий ш.	223-25-91
Фарғона вилояти ИИБ ТБ	Фарғона ш.	24-34-35
Андижон вилояти ИИБ ТБ	Андижон ш.	24-26-43
Наманган вилояти ИИБ ТБ	Наманган ш.	6-60-55
Сурхондарё вилояти ИИБ ТБ	Термиз ш.	7-52-99
Кашқадарё вилояти ИИБ ТБ	Карши ш.	3-82-45
Хоразм вилояти ИИБ ТБ	Урганч ш.	226-14-17
Транспорт ИИБ ТБ	Тошкент ш.	59-69-08
		54-77-55

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Тергов Бош бошқармаси.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Қарақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига
Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг ўн бир йиллигига багишланган йигилиш ўтказилди.

Йиғилишда ИИВ Жиноят қидириув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковники Исақбой Жумабаевга Президентимиз Фармонига кўра "Жасорат" медали берилганини муносабати билан республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковники З. Алматовнинг табрик телефонограмма-

си совриндорнинг оила аъзолари иштирокида ўқиб эшитирилди. Милиция подполковники И. Жумабаев Нукус тумани, Нукус шаҳри ички ишлар бўлимларида ва вазирлик Жиноят қидириув бошқармасида хизмат қилиб, бир неча бор оғир жиноятлар очишини ташкиллаштириди, шу йилнинг ўзида уюшган ўтқизилди. Мукофотланганлар шарафига Қарақалпогистон ва Ўзбекистон халқ артисти Мирзагул Сапаева гурӯҳи ижросида концерт ўтқизилди.

Ж. ОТЕНИЯЗОВ,
ички хизмат майори.

бешта автомашина топилишига раҳбарлик қилди.

Мустақиллик байрами муносабати билан вазирликнинг Молия ва иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат полковники О. Тихонковага "Қарақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи" унвони берилди. Капитал қурилиш хизмати бошлиғи, ички хизмат майори Аман Курбанов эса Қарақалпогистон Республикаси Жуқарғи Кенгесининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Мукофотланганлар шарафига Қарақалпогистон ва Ўзбекистон халқ артисти Мирзагул Сапаева гурӯҳи ижросида концерт ўтқизилди.

ЯНГИ БИНО МУБОРАК!

Мустақиллик байрами арафасида Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги бинога эга бўлдилар.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, шаҳардаги маҳаллалар фуқаролар йигинларининг раислари, фаоллар, ички ишлар идоралари фахрийлари иштирок этдилар. Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковники И. Муродов милиция ходимларининг тинчлики ва осойишталикни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари, ички ишлар идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гапиди.

Курилища намуна кўрсатган бинокорлар, ички ишлар ходимларига вилоят ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармасининг совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими У. Яманкулов, республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковники Х. Зокиров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

ЭЗГУЛИК

Мустақиллик байрамимизнинг ўн бир йиллиги арафасида республика ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси хайрли ишни амалга ошириди. Шу куни таҳририята узоқ йиллар турли вазифаларда меҳнат қилган фахрийлар – иккичи жаҳон уруши қатнашчиси П. Шатрашанов, Р. Ҳасаноба, А. Горбуновлар тақлиф қилиндилар. Улар бир пиёла чой ус-

тида ўз иш тажрибаларини, ёшлик хотираларини гапириб берилди. Сўнг фахрийларга пул мукофотлари топширилди.

Шу куни таҳририят раҳбарлари марҳум ходимлар X. Шодиев ва С. Сулеймонхўжаевларнинг оиласидан хабар олдилар. Марҳумларнинг хотиралари ёд этилиб, уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбириимиз.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг тез-тез маҳаллаларга қиқиб, фуқаролар билан турли мавзуларда сұхбатлар ўтказиши одатга айланган. Яқинда улар шаҳарнинг 2-мавзесидаги "Сайқал" ва "Намуна" маҳаллалари фаоллари билан учрашилар. Ушбу тадбир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда маҳалла қўмиталари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга бағишиланди.

Шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори И. Эгамов фуқароларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди.

Қ. КАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

ЗЪТИБОР – МАСЬУЛИЯТ МЕЗОНИ

Байрам арафасида "Ўзнефтнайтишлар" акциядорлик жамияти, вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси Фарғона нефти қайта ишлаш заводи раҳ- ўрнатилган, узунлиги 5 000 метрга етадиган енгларни таҳланган ҳолда сақлаш ва узатиш автотехникаси) ру- сумли автотехникалар корхонада содир бўлиши мумкин

марасининг юқорилиги, компьютерлашганлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини турли хавф сигналлари орқали таъминлай олиши билан юқори кўрсаткичларга эга.

Бошқарманинг бир гурӯҳ ходимлари Торжек шаҳрида уларни ишлатиши усулашри бўйича маҳсус ўқув курсларда таълим олиб қайтдилар.

М. ЖЎРАБОЕВ,
ички хизмат подполковниги.



ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

К. Сотимов, А. Маҳкамов,
Ш. Истроиловлар бош бўлмоқ-
далар.

Яқинда бўлимимизга ташриф буюрган бир ҳамюрти- мизнинг айрим касб дошларимиз ҳақида илиқ гаплар айтиб, миннатдорчилик билдириши бўлимда олиб бори- лаётган тарбиявий ишларга берилган баҳодир.

Ички ишлар идораларида ҳақиқий ватанпарвар, жасур йигитлар хизмат

килишига амин бўлдим, – деди Миробод туманидан келган фуқаро Қ. Муҳаммадзокиров. – Яқинда хонадонимизда бахтсизлик юз берди: тўсатдан ёнгин чиқиб, то ўт ўчирувчилар етиб келгунча уйимиз аланга ичидаги қолди. Оила аъзоларимиз, кўшнилар ёнгинни ўчиришга ҳаракат қиласадик, лекин фойдаси бўлмасди. Бир пайт тўқиз ёшли ўғлим Абдумалик ёнаётган ўй ичидаги қол-

ганини англаш, зир югурик, лекин уйга кириб бўлмасди. Шунда милиция формасидаги бир йигит югуриб келиб, ўзини аланга кўкка ўлаётган ўй ичига урди. Ҳеч қанча ўтмай у ўғлимни олов ичидан, ажал оғзидан саломат олиб чиқди. Суришибириб, бу йигит сизларнинг сафингизда ишлашини, навбатчилик қисми ҳайдовчиси, милиция сержантини Ойбек Нуриллаев эканлигини аниклаб, миннатдорчилик билдиригани келдим, – деди Қ. Муҳаммадзокиров.

Ойбек Нуриллаев каби жасур, мард йигитлар Ватанинг айниятни, ҳалқимиз хизматида эканлар, юртимизда доимо тинчлик-осойишталик бўла-веради.

В. ҚУРБОНБОЕВ,
милиция лейтенанти.

ИИВ Матбуот маркази хабар беради

ҲАЙДОВЧИ-БОСҚИНЧИ

Пойтахтимиздаги такси саройларидан бирида ҳайдовчи бўлиб ишловчи М. Аҳмаджон ўзига биркитилган "Тико" руслумли автомашинада йўловчи, оҳангронлик М. Хайринисо билан Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб кетаётган эди. Аҳмаджон йўлда йўловчига сирли қарашиб қилиб қўйди, Навоий ширкат хўжалиги худудида етганда эса авзойи бузилиб, нияти ўзгарди. Автомашинани тўхтатар экан, бирдан йўловчига ташланниб қолди. Эсанкираб қолган аёл нима қилишини билмай "дод" деганча қолаверди. Таксичи мижозни куч ишлатиш билан "сийлаб", машинадан тушириб юборди ва ичидаги 10 минг сўм пули бўлган сумкасини олиб кетди. Аёл милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Зудлик билан "Тутиш" тадбири эълон қилиниб, шаҳар милицияси оёқга турди. Кўп ўтмай милиция ходимлари зўравон таксичини етаклаганча ИИБГа кириб келдилар.

НОМАРД УЛФАТ

Улфатчилик яхши, қачонки унинг интиҳоси яхшилик билан якун топса. Шайхонтохур тумани Ҳалқлар Дўстлиги кўчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В. Д. улфати Я. Қ. билан роса отамлашиди. Бир оз вақт ўтгач эса бир-бирлари шаънига айтилаётган сўзлар ўрнини дўқ-пўпсалар эгаллади. Кайфи ошиб қолган Я. Қ. аввалига бўш келмади. Бирорқ межмонлиги ёдига тушди шекилли, бир оз ўзини босди. Унинг бу ҳаракати ўй эгасининг кўнглини юшматмади. В. Д. ошхонадан чиқаёзид, пичноқ билан улфатига ташланса бўладими. Буни кутмаган межмон каловланиб турган вақтида ўй эгаси тигни унинг қорнига санчди. Межмон ингреб ерга йиқилди. Шундай қилиб, иккиси ҳамтвоқнинг улфатчилиги фожиа билан тугади. Я. Қ. ҳаётдан эрта кўз юмди.

САВДОЛАРИ "ПИШМАДИ"

Гиёхандлик моддалари олди-сотдиши билан бойишни ўйлаган марғилонлик Э. Бозорбой ва Н. Акбар 700 грамм героинни сотиш мақсадида мижоз излаб, кўшни туманга йўл олишиди. Буни қарангки, харидорнинг топилиши осой кечди. Ҳамиша хушёр ва сергак ички ишлар ходимлари межмонларнинг ноjоя хатти-ҳаракатидан воқиф эдилар. Қиргули тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар на-тижасида оғуфурушлар герон савдо-ни пишишиб, 1200 АҚШ долларига пуллаётганда қўлга олиндилар.

Улар қилмишларига яраша жазо олишади.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

“Диққат, болалар!”

Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, мактаб ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудида 2 сентябрдан 10 сентябрча “Диққат, болалар!” тадбири ўтказилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Кейинги пайтда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камаймаяпти. Уларнинг аксарияти йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик, эътибор қилмаслик оқибатида рўй бермоқда. Масалан, Қибрайдаги “Савдогарбанк” ҳайдовчиси М. Гулматов “Нексия” русумли

автомашинани бошқариб бораётганда 12 ёшли Ш. Йўлдошев йўлни кесиб ўтади. Ҳайдовчи шошиб қолиб, болани уриб юборади. Тан жароҳати олган Ш. Йўлдошев касалхонага ёткизилди. Оҳангарон туманида номаълум ҳайдовчи З-синф ўқувчиси Н. Омоновани уриб кетади. Қизча воқеа жойида

ҳалок бўлади, ҳайдовчи эса ёрдам кўрсатмай жуфтакни ростлайди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш ва “Диққат, болалар!” тадбирида фаол иштирок этиш учун пухта режа тузиб олишди. Болалар ва бошқа иштирокчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига қай дара-

жада риоя этилаётганини ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида ҳалқ таълими идоралари вакиллари, автокорхоналарнинг ҳаракатланиш хавфсизлиги муҳандислари, тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳлар тузилиб, рейдлар ўтказиляпти. Корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларда ҳамда шахсий транспорт эгалари ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, болалар билан боғлик йўл-транспорт ҳодисаларининг

олдини олиш бўйича сұхбатлар ўюнтирилмоқда. Кўчаларда ўтказилаётган амалий тадбирларда мактаблардаги ёш автоназоратчилар отрядларининг аъзолари жалб этилиши айни мудда бўлди.

Тарғибот автобуси шаҳар ва туманларда бўлиб, мактаб ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотлар олиб бораюпти.

И. САЙИДКАРИМОВ,
милиция капитани.

Ёднома**ХОТИРА ТУРНИРИ**

Қашқадарё вилояти ИИБ Жазони ижро этиш муассасалари шахсий таркиблари касб ва хизмат тайёргарлигини яхшилаш мақсадида вилоят ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган марҳум ички хизмат полковниги Баҳодир Усмонов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

Вилоят ИИБ “Динамо” йўнингхода футbol бўйича ўтган тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги С. Исломов сўзга чиқиб, Б. Усмоновнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапирди. Шундан сўнг Б. Усмонов билан бирга хизмат қилган сафдошлари сўзга чиқишиди.

Уч кун давом этган футбол баҳслари ниҳоясига етиб, турнир голиблари аниқланди.

Офицер П. Назаров бошчилигидаги футбол жамоаси биринчи ўринни, С. Қаландаров бошлиқ муассаса жамоаси иккинчи ва ҳарбий бўлинма футболчилари жамоаси учинчи ўринни кўлга киритдилар.

Голибларга дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақа якунида энг моҳир ўйинчи, ҳужумчи, дарваза-

бонлар аниқланиб, тақдирланишиди. Турнир сўнгтида сўзга чиқсан Б. Усмоновнинг онаси вилоят ИИБ ва ЖИЭБ раҳбарларига миннатдорчилик изҳор қилди.

С. АМИНОВА.



Суратда: голибларга совғалар топширилмоқда.

О. ПРИМОВ олган сурат.

Ибрат

Фарғона вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасида дугоналар Азиза Қосимова ва Нигора Ашуррова хизмат қилишади.

Улар ўзбек кураши бўйича бир неча бор республика чемпиони бўлишган. Милиция кичик сержант Азиза Қосимова инициатори Азиза Қосимова ва Нигора Ашуррова шаҳрида истиқомат қиласи.

— Милицияда ишлар орзуси мактаб партасидаёт туғилган, —

ИККИ ДУГОНА

деди биз билан сұхбатда Азиза,— Ота-онам шу касбни танлашимга қаршилик қилишгани йўқ. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёт Фарғона спорт мажмуида ҳалқаро спорт устаси, Кимсан aka Рӯзиматовдан “Турон” якка-кураши бўйича сабоқ олганман. Кимсан аканинг вафотидан сўнг бизга унинг қизи Гулчехра Абдурасолова устозлик қилмоқда.

Азиза Қосимова 1997 йилдан бўён миллий кураш бўйича республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритиб келяпти. 1998 йили Тошкент шаҳрида, 1999 йили Нукусда ўтказилган ҳалқаро мусобақада 1-ўринни эгаллади.

Дугоналар Фарғона Давлат университетининг сиртқи бўлимидан таҳсил олишяпти.

М. КИМСАНБОЕВ.

Суратда: Азиза Қосимова ва Нигора Ашуррова.

Туйғулар**МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ ОЛИЙ НЕЙМАТ**

Фаслар каби, йиллар ҳам бир-бирунни қувлаб, мустақиллижимиз ўн бир ёшга тўлди. Бундан ўн бир йил аввал жаҳон мамлакатлари қаторига Ўзбекистон қўшилган эди. Ушанда мурғак гўдак каби дунёга келган давлатимиз бугунги кунда анча улғайиб, мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Янгиланишлар, улкан ўзгаришларни тортиқ этаётган истиклонинг ҳар бир ёши биз учун қадрлидир.

Юксалишининг ойдин йўлидан бориб, демократия ва қонун устуворлиги шаритида ҳамжихатлик, иқтисодий барқарорлик таъминланган ўртда яшаетганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Мустақилликка эришибмизки, муносиб ютуқларни кўлга киритаяпмиз. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк кўшилляпти. Юртимизда ҳалқимиз асрлар давомида орзу қилган фаровон ҳаёт, тинчлик, осоиштаслик ҳукм сурмоқда. Шундай экан, мустақиллижимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизни кўз қорачигидек асрash, жонажон

Умр кушандаси бўлмиш гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар бир онгли инсон олдида турган долзарб ва зифалардандир. Бу борада Сирдарё вилояти ички ишлар идораларида ҳам “Қорадори”, “Канал” каби тадбирлар асосида анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Натижада хонадонларда таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни экиш, бангихоналар ташкил қилиш каби салбий ҳолатлар аниқланмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Гулистон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан “Канал” тадбири давомида илгари судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Г. Владимир ўз уйидан У. Ринат, К. Роман каби илгари судланган ва бекорчиларга бангихона очгани аниқланди. Унинг уйидан шприцлар, димедрол дорилари топилди. Чой кутиси ичидан эса фольга қофозига ўралган герони бор экан.

Меҳнатобод тумани ИИБ жиноят қидибув ва терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари хонадонларда етиширилаётганидан ташқари ташландиқ жойларда ўсаётган ёввойи нашаларни йўқ қилишга ҳам алоҳида эътибор бердилар. “Бахмал” фермер хўжалиги даласидаги бетон ариқ бўйида ўсиб ётган 12 туп наша ана шу ходим-

лар томонидан йўқ қилинди.

Айрим ўз қадрини билмаган, борига қаноат қилималарни қонунни бузмоқдалар. Ховос тумани “Гулбахор” қўргонида яшовчи етмиш ёшли Иқлим холанинг қиммиши фикримизга далиллар. Онахон қонун-қоидани яхши билгани ҳолда, бир туп бўлсада, наша ўстириб, охири хижолатда қолди.

Тадбирлар давомида маҳаллаларда гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида тушунириш ишлари, сұхбатлар ўтказилди. Натижада юқоридагига ўшааш тадбирларда кенг жамоатчилик ички ишлар ходимларига сидқидилдан ёрдам бердилар.

Қ. КАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

нурларга тўлсин.
Чўлларинг боф роғу,
хиёбон бўлсин,
Бахтиёр авлодлар шодликдан
кулсин.
Мустақиллик, тўйинг
муборак бўлсин.
Хумо қушинг учсин ой,
фалакларга,
Улансин орзулар зўр
тилакларга.
Обод бўл, озод бўл,
эркин бўл, элим,
Барқ уриб яшнасанг,
яйрайди дилим...
И. НИҒМАТОВА.

Аср вабоси

олдини олиш бўйича сұхбатлар ўюнтирилмоқда. Кўчаларда ўтказилаётган амалий тадбирларда мактаблардаги ёш автоназоратчилар отрядларининг аъзолари жалб этилиши айни мудда бўлди.

Тарғибот автобуси шаҳар ва туманларда бўлиб, мактаб ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотлар олиб бораюпти.

И. САЙИДКАРИМОВ,
милиция капитани.

Жиноятчи жазосиз қолмайды

ТАДБИРКОР БЕҲАД МАМНУН

Ҳамро ака яхши ният қилиб, қишлоғида дўкон очди. Кўпчилик шаҳар марказига бориб юрмасдан шу хусусий дўкондан харидини амалга ошира бошлади. Ҳамро ака ҳамқишлоқлари оғирини енгил қилаётганидан беҳад мамнун эди.

Ана шундай қувончли кунларнинг бирида тадбиркорнинг таъби хиралашди. Чунки кимдир дўкон деворини тешиб, 100 минг сўмлик турли кийим-кечак ҳамда озиқовқат маҳсулотларини ўғирлаб кетганди. Ҳамро ака аввалига бу жиноятни милиция ходимларига айтмасдан ўғрини ўзи топмоқчи бўлди. Аммо орадан 4–5 кун ўтса-да, бунинг уддасидан чиқа олмади. Шундан сўнг у ноилож Питнак шаҳар ички ишлар бўлимига борди.

Профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳурмат Полвонов ушбу жиноят юзасидан топшириқ олгач, дарҳол "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги худудидаги Ҳамро Султоновнинг хусусий дўконига келди. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечиргач, ўғрилик пухта

икрор бўлишдан бошқа чора тополмади. Саросимада қолган жиноятчи осоишталик посбонларига сездирмасдан чўнтағидаги ҳар бири 0,05 грамм бўлган 8 ўрам геरоин гиёҳвандлик моддасини пол тагига улоқтироқчи бўлди. Ҳушёр посбонлар буни ўз вақтида пайқаб қолишиди.

Ҳазорасп туман суди Питнак шаҳар "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидаги истиқомат қилувчи, 1976



СУРАТДА: Питнак шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳурмат Полвонов маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори Раҳимбой Жуманазаров ҳамда посбон Шавкат Юсуповлар билан суроштирув ишларини бошлаб юборди. Уларнинг кунутн олиб борган сайдарахакатлари ижобий самира бермади. Эртаси куни муқаддам судланган Маткарим Султоновнинг уйига бориши: Аммо у уйидан йўқ эди. Кўп ўтмай гумонланувчини опасининг уйидан топишиди. Маткарим гумонланувчи тариқасида сўроқ қилинганида турли баҳоналарни рўкач қилиб, профилактика инспекторини чалғитмоқчи бўлди. Аммо ҳамқишлоғи Қадамбойга 2 шиша вино эвазига сотган ўғирлик туфли ҳамда енгилтабиат жувонга – Ф. И. га совға қилган аёллар халатини кўрсатишгач, Маткарим айбига

Жумабой Қозоқ олган сурат.

Ҳалилло эрта тонгда "Планета-5" русумли мотоциклни миниб, Амударё бўйига келди: Мотоциклни дала бошида қолдириб, ўзи тўқайзор ортидаги даласига шошилди. Тушгача зўр бериб ишлади. Иссикнинг тағти баландлигидан уйидан тушлик қилиш учун мотоцикл томонга юрди. Қараса, у жойида йўқ. Далада ишлаётгандар ҳазиллашиб яшириб қўйишгандир, деган хаёл билан теварак-атрофни кўздан кепди.

МОТОЦИКЛ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Чирди. Аммо топа олмади.

Ҳалилло далага қайтиб, у ердагилардан ҳам сўраб-суроштириди. Лекин бирорта киши мотоциклни кўрдим, демади. Фигони фалакка чиққан Ҳалилло тезда Гурлан тумани ИИБга мурожаат қилди. Тезкор вакил, милиция капитани Фарҳод Йўлдошев, профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенантлари Икром Машарипов ҳамда

Эгамберган Эшчоновлардан иборат тезкор турӯзудлик билан воқеа жойига етиб келди. Олиб борилган тезкор суроштирувлар натижасида изқувварлар ўғри Қорақалпостон Республикасининг Беруний туманига ўтиб кетган, деган холосага келишиди. Улар янглишмаган эдилар. Гурланлик О. Баҳром мотоциклни Олтинсой қишлоғида сотмоқчи бўлиб турганида кўлга олинди.

– Милиция ходимларининг тезкор ҳаракат қилишганини кўриб, гурурланиб кетдим, – дейди Ҳалилло Аллаёров, – Ўғрини 5 соат ичидаги ушлаб келишиди. Туман ИИБ ходимларига савимий миннатдорчилик билдираман.

Илгари ўғирлик қилиб иккى марта судланган О. Баҳром тавбасига таянмагани маълум бўлди. Ўргангаган кўнгил уни яна панжара ортига етаклади...
Х. ЖАББОР.

Кинология хизмати

Кинология хизматини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ушбу хизматни замон талаблари даражасида такомиллаштириш борасида Фарғона вилояти ички ишлар идораларида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳудудида содир этилган турли кўринишдаги жиноятларни изи совимай туриб фош этишда хизмат итларининг имкониятларидан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилди.

Хозирда вилоят ички ишлар идоралари кинология хизматида жами 128 та затдор хизмат итлари мавжуд. Улардан патруль-пост хизмати йўналишлари, ЙПХ мунтазам масканлари ва кўриклиш хизматларида унумли фойдаланиб келинмоқда.

Мисол учун Фарғона шахри А. Қодирий кўчасида вақтинча яшовчи қирғизистонлик С. Ортиқалининг уйи милиция сержантини Аҳор Мирзаҳмедовга биркитилган "Линда" лақабли хизмат итини тўғри йўллай олиши натижасида ушбу жиноятни содир этган А. ашёвий далил билан кўлга олинди.

Хизмат итларини сақлаш, парваришилаш, уларни тегишили йўналишлар бўйича тайёрлаш ишларини амалга оширишда вилоят ИИБ кинология хизмати питомнигида олиб

борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Питомник ходимлари вилоят ҳудудида ўтказиладиган турли тантаналарда ўзларига биркитилган хизмат итларининг имкониятларини кўргазмали чиқишиларда намойиш этиб келишишмоқда. Жорий йилнинг март ойида ИИБ ички кўшин-

лар Бош бошқармаси ҳарбий жамоаларининг ўкув машғулотларида вилоят ИИБ кинология хизматининг хизмат итлари питомниги ва ППХ кинолог – милиционерлари хизмат итлари билан гиёҳвандлик ҳамда портловчи моддаларни қидириб топиш, куролли қаршилик кўрсаташ-тўғрилган жиноятчиларни кўлга олиш ва уни зарарсизлантириш машқулари бўйича кўргазмали чиқишилар уюштириши. Уларда иштирок этган 27 нафар кинолог ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.



Бир сўз билан айтганда, тўрт оёқли ёрдамчилар нафакат Фарғона милицияси, балки республика миқёсида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиларни олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқларга салмоқли улуш кўшмоқда.

М. ҲОМИДОВ,
милиция подполковники
Б. ОМОНЗОДА,
милиция капитани.

Пайшанбадан пайшанбагача

ТОШБАФИР УКА

Пахтаобод туманида яшовчи, 1977 йилда туғилган аёл Ф. ўз жонига қасд қилиб, устидан бензин қўйиб ёқиб юборгани ҳақида маълум қилинган эди. Бирор суд-тиббий экспертизаси хulosasi бу ҳолатини инкор қилиб, аёл аввал бўғиб ўлдирилгани, кейин эса жасад ёқиб юборилганини аниқлади. Суриширувлар натижасида мархуманинг 22 ёшли укаси қотиллини амалга оширганини тан олди.

ЗЎРАВОН

Пойтахтдаги "Кўйлик" улгуржи бозорида номаълум шахс А. Бойбаевага жароҳат етказиб 27.000 сўм пулни олиб қочади. Зудлик билан кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган Балиқчи туманида туғилган С. аниқланиб, ушланди.

ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Термиз туманинда "Намуна" ширкат хўжалигидаги яшовчи пайвандчи С. Раҳимов ҳамқишлоқлари Т. Турсунов ва Б. Тоҳировлар билан "КамАЗ" русумли автомашина ёнилини бакини пайвандлаётганида портлаш содир бўлди. Натижада С. Раҳимов воқеа жойида оламдан ўтди, Б. Тоҳиров эса оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

ОҚ АРОҚНИНГ КОРА ИШИ

Чилонзор туманинда оқиб ўтувчи "Бўрижар" канали соҳилида дам олиб ўтирган уч йигитга улфат бўлган 33 ёшли аёл З. биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилди. Кайфи ошган йигитлар ва аёл ўртасида низо чиқиб, жанжал бошланди. Шишадошлар ўзларини назорат қила олмай, аёл ва у билан бирга бўлган 7 ёшли фарзандини сувга улоқтириб юборишиди. Она бир амаллаб қирғоқса сувиз чиқди, бегуноҳ қизалоқ эса сувга гарк бўлди.

ГИЁХФУРУШЛАР

Урганч тумани ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир вақтида кўшкўпирлик шахс кўлга олинди. У 101 грамм геронини 2 млн. сўмга сотаётган эди. Шу куни мазкур туман ҳудудида 1960 йилда туғилган М. исмли шахс ҳам 120 грамм геронини 2,4 млн. сўмга сотаётган вақтида тузокқа илинди.

ҚАЛБАКИ ВАЛЮТА

Самарқанд шаҳри Темирйўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан текшириш учун ИИБга И. олиб келинди. Унинг ёнидан 17 дона 100 купюралик қалбаки АҚШ доллари топилди.

АМАЛГА ОШМАГАН ОРЗУ

Термиз шаҳрида ўтказилган тадбир вақтида шубҳа остига олинган, ушбу шаҳарда яшовчи Н.нинг уйидаги текшириш ўтказилди. Натижада эса тахминлар асоси эканини кўрсатди. Яни, гумондорнинг уйидан яшириб қўйган ярим килограммга яқин геронин топилди.

НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Андижон вилояти Асака туманида яшовчи уй бекаси Ф.нинг уйига ярим тунда юзига ниқоб тутган икки нафар кимсалар бостириб киришиди. Уй эгасини пичоқ билан кўркитиб, тилла тақинчоқ ва 40.000 сўм пулни олиб кетар чоғида аёлга эртасига соат 12.00 да Тоштепа қишлоғидаги "Дево" тепалигига 200 АҚШ доллари олиб боришини буюрдилар.

Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида босқинчилар аниқланиб, кўлга олинди. Улар энди 19 ёшга кирган Ш. ва А. лар экан.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

Сурхондарё вилояти

ИИБ матбуот гуруҳи хабар қилади
ҚАЙНОНАГА САНЧИЛГАН ТИФ

Ангор туманин "Новшаҳар" шаҳрида яшовчи, илгари судланган Ж. Р. уйига меҳмон бўлиб келган қайнонаси Б. билан жанжаллашиб қолиб, унга уч маротаба тиф санҷди. Пичоқ зарбидан олинган тан жароҳати туфайли аёл воқеа жойида оламдан ўтди. Куёв бола қилмишига яраша суд олдида жавоб беради.

ДОЛЛАР ШАЙДОСИ

Денов деҳқон бозорида Узун туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. А. 700 АҚШ долларини 910 минг сўмга сотаётган вақтида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Иш жойининг тайини бўлмаган бу фуқаро чет эл валютасини қаердан, кимдан олганлиги ва бошқа саволларга жавоб бершига тўғри келади.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

УЧИНЧИК

«ПОСТНЯ»
gazetasining ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Хабаровсклик Дмитрий Никонов ҳеч қанақа **НУЖ-пужга, мўъжизага ишонмасди.** Аммо кунлардан бир кун... У ўшанда дўсти билан Бикин дарёси бўйлаб саёҳат қилиб юрганди. Тунларнинг бирида улар аёл кишининг йигисига ўхшаган чўзиқ товушни эшишиди. Овоз дам у томондан, дам бу томондан эшитилиб, икки ўртоқни ваҳимага соларди. Кеинироқ Владивостокка келишгач, улар "учар одам" ҳақида узунқулоқ гаплардан хабар топишиди. Икки ўртоқнинг бошларидан ўтган воқеани эшишган кишилар: Сизлар ўша учар одамга дуч келгансизлар", – дейишди. Фанга бу ҳайвон номаълум эди. Унинг белгиларидан хабар топган зоологлар ишонмай қўл силтаб қўйишади. Гувоҳларнинг ҳикояларини фақат уфологлар диққат билан тинглашади. Масалан, Александр Ремпел "учар одам" ҳақида бутун бошли маълумотнома тузган.

ТАЙГАДАГИ "УЧАР ОДАМ"



Одамлар кўпинча бу гаройиб мавжудоднинг ноласинигина эшишишади. Бу нола шунчалик таъсири эди, энг тажрибали сайдёхларнинг ҳам этларини сескантисарди. Овчи Е. Ермаков ва изтопар Ен Ван Шанлар ҳам буни тасдиқлашади.

Таниқли тадқиқотчи Владимир Арсеньев ҳам бу ҳодисага дуч келган. У шундай ҳикоя қиласди: "Итим Алъма орқадан эргашиб келаётган эди. Сўқмоқда одамнига ўхшаш айик изига кўзим тушди. Итим ҳурпайиб ириллади. Шу пайт нимадир буталарни синдириганча ўзини бир четга урди. Алъма оёқларимга қапишиб ерга ётиб олди. Сал ўтмай хаёлимга келмаган ҳодиса юз берди – нимадир қанот қоқди. Ва ... Туман ичидан қандайдир улкан, қора шарпа учуб чиқди.

Ит кўрқанидан баттар ер бағрилаб қолди. Шу пайт худди аёл йигисига монанд қичқириқ эшитилди. Кечкурун удэгейлар шу атрофларда учар одам яшаши ҳақида ўзаро қизишиб гаплаша бошлишиди.

Тайга тадқиқотчилари бу махлуқни кўпроқ Булутли ва Пидан деб аталаувчи тоғларда учратишади. А. И. Куренцовнинг ҳикоясига диққат қилинг-а! Кечаси алла маҳал у уйгониб кетади. Назаридан ўзини кимдир кузатаётгандек эди. Вужудини кўркув босади. Кўзининг қири билан ёнидаги улкан дараҳтдан баҳайбат, қора бир нарса тушаётганини кўриб қолди. Тўқнашиб кетмаслик учун чалқанчасига ётиб олар экан, устидан тегай-тегай деб бир одам учуб ўтганини кўрди. Учар одамнинг пардасимон қанотлари кўршапа-

лакнинг қанотларига ўхшаб кетарди. Куренцов эрталаб теварак-атрофига диққат билан кўздан кечириб файритабий ҳеч нарса топа олмади.

1970 йили овчи Аверьянов ҳам шунга ўхшаш гаройиб воқеани бошидан кечирди. У тайгада вадор ити Пальма билан юрганди. Узоқдан аёл кишининг қичқириги кулагига чалинди. Кейин овоз шиддат билан яқинлаша бошлишиди. Бир зумда юрагини кўркув эгаллади. Шу пайтгача эгасининг оёқларига қапишиб олган ит энди финший бошлиши ва қаёқладир қочиб кетди. Аверьяновнинг ўзи бошқа ёққа қочди. Аммо қичқириқ унга тобора яқинлашарди. Аверьянов орқасига ўтирилди-ю ийқилиб тушди. Шу пайт унинг устидан аллақандай қора шарпа учуб ўтди. Махлуқнинг пардасимон қанотлари ва одамнинг

оёғига ўхшаган юнгдор, тиззаси ялтироқ оёқлари бор эди. Ута қўланса ҳиддан овчининг кўнгли айнаб, боши айланди. Уйга келганида қараса сочлари оқариби. Ити орадан икки кун ўтиб уйга кириб келди.

Баъзан учар одам билан учрашувлар фожиали туғайди. Бир овчининг ўғли шундай ҳикоя қиласди: "1968 йили отамни тайгадан оғир яраланганд ҳолда олиб келишиди.

Унинг юзи ва қўлларидан чукур боттан, қонли жароҳатлар бор эди.

Шига ўхшаган калласи сочсиз, юнгсиз экан. Отам "Балки у ҳайвон менга ҳужум қилмоқчи бўлмагандир. Гулхан кўзини қамаштирганидан ташқарига чиқмоқчи бўлгандир. Тор форда унинг йўлига ғов бўлганим учун мени тирноқлари билан юмдалашга тушгандир. Йиқилиб тушганимдан кейин у учуб ташқарига чиқиб кетгандир" – деди. Отам туни билан жисмонан азобланишига қарамай гулхан олдиди ўтириб чиқсан. Бир неча марта махлуқнинг ташқа-

рида қанот кокқанини, аёллар йигисига ўхшаган овоз чиқарганини эшишган. Шунда миттигини фор оғзиға тўғрилаб отган. Кундузи амаллаб уй томонга йўл олган. Уни овчилар сўқмоқ йўлда, хушсиз ҳолда топиб олишган".

Энди Петропавловск қўргонида юз берган гаройиб воқеа билан танишишади. Ивинскийлар оиласи янги уйга кўчиб ўтишиди. Биринчи кеча жуда қаттиқ чириллаган овоздан чўчиб уйғонишиди. Қора чигиртка бўлса керак, деб ўйлаб яна уйқуга кетишиди. Эртаси куни уй эгаси каравот ос-

тидан тоги ҳудудига қарийб ҳар йили Япония, Корея ва Хитойдан уфологлар учар одамни бир кўриши илинжидаги ташкади. 1944 йилда "Парамаунт Пикчерз" кинокомпаниясининг ижодий гурухи бу ердаги сирли ҳодисалар ҳақида фильмни суратга олди.

Хўш, Узоқ Шарқнинг чексиз-поёnsiz тайгалирида кўп йиллардан бўён қандай гаройиб мавжудот яшаети? Камёб ҳайвонмикан у? Балки



тида итсимон ғалати жонзор ётганини кўриб қолди. Алдаб чиқариб олишга уринишлари бехуда кетди. Шунда унга шиппак ота бошлишиди.

узоқ ўтмиш ҳайвонот оламининг сақланиб қолган вакилидир?

Яна ким билсин.

Интернет
хабарлари асосида
тажрібланди.

Ишончи кийин, аммо ҳақиқат



ҚҮЙДЕК БЕОЗОР ... БҮРИЛАР

Белгородчинадаги қишлоқлардан бири атрофида ғалати бүрилар яшайды. Улар қўйларга озор беришмайди. Ҳатто энг семиз, сўлқилдоқ совлиқлар ҳам бу бүриларнинг иштаҳасини қўзғамайди. Энди инларидан чиқа бошлаган бўриваччалар эса қўзичоқлар билан гўёки ким ўзарга ўйнашади.

Маҳаллий овчилар ҳам бўриларга шунга яраша муносабатда бўлишади. Фақат озиб-тўзиб қолган қари бўриларгина мўйнаси учун овланди. Бу ёзилмаган қонун.

Қишлоқ аҳлиниң айтишича, сўнгти марта 1935 йилда бундай бўрилардан бирининг қўйга ҳужум қилгани қайд этилган. Ветеринарларнинг аниқлашича, ўша бўри кутурган экан.

Зоологлар Ер куррасининг факат шу нуқтасида бўрилар нега қўйларнинг кушандаси эмаслигининг сабабини ҳозиргача тузукроқ изохлаб беролгандари йўқ.



ДИНОЗАВРЛАРНИНГ ХАРТУМИ БЎЛГАНМИ?


Яқинда "Science" журналида олимларнинг динозаврлар ташки кўриниши ҳамда физиологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларини бутунилай ўзгартирувчи мақола чоп этилди. Унда баҳайбат калтакесакларнинг бурун тешиклари бошининг қайси қисмida жойлашганига алоҳида эътибор берилган.

Мақола муаллифи, Огайо бат калтакесакларнинг қолуниверситети палеонтологи Лоуренс Уитмер бу кашфиётнинг аҳамиятини кўйидагича

килишди. Улар бошнинг тепа қисмida қолаверди.

Энди эса Уитмер уларни ҳақиқий жойига – хартумининг учига кўчиришни таклиф этяпти. У ҳозирда Ер куррасида ҳаёт кечираётган, эволюция нуқтai назаридан динозаврлар яқин турувчи 45 турдаги жонзотни ўрганди. Калтакесаклар, кушлар ва тимсохлар шу жумлага киради. Бу турларнинг барчасида бурун тешиклари бош чаногининг олд қисмida жойлашган. Бу жониворларга ҳид ҳақидаги ахборотларни тез қабул қилиб, уни кўриш ва эшишиб аъзоларининг ахборотлари билан кўшиб, яхлит тасаввур юзага келишига хизмат қилган.


Аммо бурун факат ҳид билиш учунгина керак эмас. У шунингдек, олинадиган нафасни ўпкага етказишга тайёрлашга хизмат килади. Бунинг учун бурун ёки у жойлашган тумшук бирмунча узун бўлиши лозим. Шундай бўлган ҳам. Аммо бу ҳозирги филларнинг хартумлари сингари дегани эмас. Бу борада динозаврларни тапир деган жониворга қиёс қилса бўлади.



изохлайди: "Бурун тешикларининг айнан қаерда жойлашганини аниқлаш динозаврлар қандай қилиб ҳидлабини, егулик топгани, бошқа ваҳшийлардан саклангани ҳамда ўз жуфтларини танлабини, тана ва мия ҳароратини мувофиқлаштиргани каби масалаларга ойдинлик кирилади".

XIX асрдан бошлаб тадқиқотчилар динозаврларнинг бурун тешиклари кўзлари остида жойлашган деб хисоблашарди. Баҳай-

деган қарорга келишди. Натижада бурун тешиклари бошнинг тепа қисмida бўлган деган тўхтамга келинди. Кейинги хисоб-китоблар бундан катта маҳлуклар ҳам куруклида ўз танасини бемалол бошқара оларди, деган хуласага олиб келди. Шундай қилиб, олимлар динозаврларни яна куруклика кўчиришди, аммо бурун тешикларини хотирларидан



ТЎПЛООНЧИ АЙИҚПОЛВОЛЛАР

Канаданинг унча катта бўлмаган Овен-Саунд шахридаги қандолатчилик корхоналари эгалари, ходимлари ва мижозларини қўнгир айиқ бир ҳафта давомида саросимага солди. Буюк кўллар ҳудудида жойлашган бу шинам шаҳарчага ташриф буорадиган кўп сонли сайёҳлар ҳам ваҳимага тушиши.

Айиқ аввал "Ширли Бродфут" қандолатпазлик емакхонасига кирди. Гувоҳларнинг айтишига қарангда, тиқмачоқ, кучли жонивор қийналмасдан эшикни бузган. Ичкарига киргач, пештахта ойнalarини синдирмасдан, аввал егуликларни 8-10 дақиқа давомида кўздан кечирган. Сўнг янги пиширилган ширик кулчалар ва сомсаларни танлаб, бино ўртасига бемалол ўтириб олиб, уларни шошмасдан пақкос туширган. Қорни тўйгач, маконига – ўрмонга қайтиб кетган. Емакхона ичидаги сарожом-сариштиликка зиён етмаган, ҳисоби. Полвон "эҳтиётсизлик қилиб" сомса солинган вазани синдириб қўйган, холос.

Кейинги гал "безори" "Оуэн" қандолатпазлик емакхонасига "ташриф буорган". Фақат бу сафар у "саватча" деб номланадиган сомсаларни хуш кўриб еган. Бу пайт ҳали фаррош бино ичидаги бўлган. Аммо айиқ унга зиён етказмаган (гарчи бу жониворлар анчайин жаҳлдор ҳисобланисса ҳам). Фақат тамадди қилиб бўлгач, ёнидаги белакни тумшуғи билан аёл томонга сурниб, унга гўё "ишишга бирор нарса бер" демоқчи бўлган. Фаррош кўйган илиқ, ширик чойни чалоплатиб ичига бўлгач, яна қадрдан ўрменига йўл олган. Бу гал ҳам кириш эшигидан бошқа ҳеч бир нарсага зарар етмаган.

Учинчи сафар кўнгир айиқ "Саймон ва ўғиллари" қаҳвахонасига "ташриф буориш"га қарор қил-

ди. Бу жойнинг хўжайнлари ва ишчилар олдиндан эҳтиёт чораларни кўриб қўйишган эди. Айиқ кириш эшиги қалин тунука билан қопланганини кўриб, уни ғажий олишига кўзи етмай... дераза ойнанин кўчириб бир четга қўйиб, ичкарига кирди. Айиқ қорнини тўйғазиб кеттач, қаҳвахона эгалари яна ойнани жойига ўрнатиб қўйиши.

Полвоннинг иштаҳаси карнайлигига қойил қолмай иложингиз йўқ. У (балки улар) жами 6.500 АҚШ доллари миқдоридаги егуликларни пақкос туширган эди. Бу зааркунданаликнинг олдини олиш учун шаҳарликлар барча қандолатхоналарнинг эшик-деразаларини айиқлар тишлаб, тирнаб очолмайдиган ҳолатга келтиришди. Канада Миллий захиралари Департаменти шаҳар бўлинмаси ходимлари эса шаҳар теграсида маҳсус "қопқонлар" ўрнатиши. Уларнинг ичига кўп миқдорда мазаси ҳам, ҳиди ҳам айиққа маъқул, фақат баҳоси арzonроқ егуликлар кўйилди.




Бир гурӯҳ англиялик ва ҳиндистонлик олимлар Сан-Диегодаги илмий анжумандаги дикқатга сазовор баёнот билан чиқиши. Улар Ернинг юқори атмосфера қатламларида коинотдан келиб қолган бактериялар ҳақида ишончли далиллар борлигини маълум қилиши.

ЎЗГА САЙЁРАЛИК БАКТЕРИЯЛАР

Тадқиқотчилар бундай шовшувли хуласага шу йил январь ойида ўтказилган тажриба натижаларини таҳтил қилиш жараёнида келдилар. Махсус контейнер коинотни тадқиқ қилиш Хиндистон ташкилоти аэростатлари ёрдамида фазога кўтарилиди. Контейнерга жамланган ҳаво намуналари ердан 41 километр баландликда ҳам бактериялар мавжудлигини кўрсатди. Ваҳоланки, бундай узоқликка Ер юзасидан ҳаво етиб бора олмайди. Шунингдек, бактериялар сони вариацияларининг юқорилашган сайин хусусият-

лари ўзгариб бориши ҳам улар Ердан бормаганлиги, балки коинотдан тушганлигини кўрсатди.

Олимларнинг фикрича, ҳар куни Ерга умумий массаси уч юз килодан зиёд бактериялар тушар экан. Мазкур кашфиёт Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши борасида "кометалар" назарияси тўғриларини тасдиқловчи яна бир далил бўлиши мумкин. Унга кўра энг содда тирик мавжудотлар илк бор Она сайёрамизга коинотдан қулақ тушган кометалар орқали келиб қолган, деб ҳисобланади.



Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ДУШАНБА,

9

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"

8.00-8.45 "Таҳлилнома".

8.45, 17.55 ТВ маркет.

8.50 "Ўзбектелефильм" намойши: "Мусавири".

9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

9.40 "Тўртинчи ҳокимиёт".

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадий фильм.

11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти.

11.55, 15.35, 16.30 ТВ анонс.

"Болалар сайдераси".

12.05 1. "Олтин тоҳ". Телевизион ўйин. 2. "Улгайиш погоналари".

13.05 "Мусика: кечка ва бугун".

13.30 "Ошин". Телесериал.

14.10 "Оталар сўзи - аклиниг кўзи".

15.10 "Кўйла, ёшлигим".

15.40 "Ит уяси". Телесериал премьераси.

16.35 "Бу ажби фасл". Телевальманах.

16.55, 17.25 ТВ клип.

17.05 "Энг ширин қовун".

Мультифильм.

17.35 "Калб гавҳари".

18.10 "Олтин мерос".

18.30 "Мулк".

18.45 "Бахти воеқа". Телепотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 "Ахборот" (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 "Ахборот".

21.05 "Қўшиғимиз Сизга армугон".

21.30 2002 йил - Каријаларни кадрлашши. "Париси бор ўй".

21.50 Тенис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнири кундалиги.

22.20 "Мовий уммон каврида". Телесериал.

23.10 "Ахборот-дайжест".

23.30-23.35 Ватан тимсолари.

8.45, 17.55 ТВ маркет.

8.50 "Ўзбектелефильм" намойши: "Мусавири".

9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

9.40 "Тўртинчи ҳокимиёт".

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадий фильм.

11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти.

11.55, 15.35, 16.30 ТВ анонс.

"Болалар сайдераси".

12.05 1. "Олтин тоҳ". Телевизион ўйин. 2. "Улгайиш погоналари".

13.05 "Мусика: кечка ва бугун".

13.30 "Ошин". Телесериал.

14.10 "Оталар сўзи - аклиниг кўзи".

15.10 "Кўйла, ёшлигим".

15.40 "Ит уяси". Телесериал премьераси.

16.35 "Бу ажби фасл". Телевальманах.

16.55, 17.25 ТВ клип.

17.05 "Энг ширин қовун".

Мультифильм.

17.35 "Калб гавҳари".

18.10 "Олтин мерос".

18.30 "Мулк".

18.45 "Бахти воеқа". Телепотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 "Ахборот" (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 "Ахборот".

21.05 "Қўшиғимиз Сизга армугон".

21.30 2002 йил - Каријаларни кадрлашши. "Париси бор ўй".

21.50 Тенис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнири кундалиги.

21.50 "Шунарманд".

21.50 "Ахборот".

21.50 "Ҳашлар тангоси".

Бадий фильм.

21.50 "Хунарманд".

21.50 "Галабалик йилларим".

21.25, 15.00 ТВ анонс.

12.30 "Париси бор ўй".

12.50 Тенис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнири кундалиги.

13.20 "Шийлондаги учрашувлар". Наманган вилоятини Поп туманида меҳнаткашлари ҳузурда.

14.10 "Кино оладми".

14.30, 15.55 ТВ клип.

14.40 "Иўл бошида".

15.05 "Ит уяси". Телесериал премьераси.

"Болалар сайдераси".

16.00 1. "Серхли ҳарофлар оролчаси". 2. "Қиролликдаги саргузашлар". Мульти сериал.

16.55 "Ватанинга хизмат килимади".

18.10 "Баркамол авлод орзузи".

18.30 "Ривож".

18.40 "Ўзбекистон - Ватанин маним".

19.05 "Солик ва биз".

19.30 "Ахборот" (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN "Ўзбекистон янгилеклари" (инглиз тилида)

20.30 "Ахборот".

21.05 Тенис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнирининг тантанали очилишидан репортаж (бэз олинган)

21.35 "Ўзингин, ўз ўйингни ўзинг асрар!".

21.55 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Ошин". Телесериал премьераси.

22.25 Ўзбекистон халқаро турнири М. Раззакова кўйлай-

Танаффус пайтида 23.50

Давр.

00.55-1.00 "Хайрли тун!"

ЎзТВ - III

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал "Гиннес-шоу".

17.40, 19.05, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.

18.00 "Болажонлар экранни". "Шарки ва Жорж". 29-кисм.

18.55 Кўрсатувлар дастури.

19.00 Давр тонги.

10.00 Янги авлод студияси:

"Катта танаффус".

10.20 "Трайм-салом!".

Мультифильм.

10.30 Саломатлик сирлари.

10.50 Мусикӣ лаҳзалар.

11.00 "Давр"ҳафта ичидা.

11.30 "Кусто командаси-нинг сувости саргузашлари".

12.20 Давр-news.

12.40 "Олтин маъбуда".

Бадий фильм.

13.55 Кўхна оҳанглар.

14.00 "Ҳакиқат чегараси".

Сериал.

14.25 ТВ-анонс.

14.30 "Янги авлод" почтаси.

"Савол беринг, жавоб берамиз".

15.00 "Озод элим - один йўли".

кўрик-тандлови:

Жиззас телерадиокомпани-яси тақдим этади.

15.30 "Футболимиз кела-жаги" маҳалла Республика турнири.

16.00 Мусикӣ лаҳзалар.

16.10 Ўзбекистон Прези-денти Кубоги халқаро тен-нис турнири.

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 Давр.

19.30 Ўзбекистон Прези-денти Кубоги халқаро тен-нис турнири.

20.00 Кўхна оҳанглар.

20.10 Янги ўқув йилига.

20.15 Ёшлар овози.

20.20 Ўзбекистон Прези-денти Кубоги халқаро тен-нис турнири.

20.35 "Тарбиязиз болалар".

21.00 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

21.00-15.00-20 "Хайрли тун, шахрим!"

ЎзТВ - IV

РЖТ

7.00-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.10-16.40

16.40 Кўрсатувлар тартиби.

16.55 Кўрсатувлар дастuри.

17.00 "Евроньюс" янгилик-лар.

17.10 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

17.20 ТВда сериал "Ази-зим Изабелла".

17.30 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

17.40 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

17.50 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

17.55 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

18.00 "Мұлтимедиа".

18.10 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

18.20 "Кўнингонгох". Кўз аф-соналари".

18.30 "Кўнингонгох".

ЧОРШАНБА,

11

ЎзТВ - I

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». *
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кўёшли ўлкам», «Учкора».
9.20 «Симфоник мусика дунёси».
9.40 «Бахтилизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 17.50 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоклари.
10.25 «Аҳмад қаерда?» Бадийи фильм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 «Ўзингиз, ўз ўйингни ўзинг асра!»
12.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Рассакова кўйлайди.
12.50 Тенинс бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантаналичиликдан репортаж.
13.20 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан». 14.30, 15.50 ТВ анонс.
14.35 «Асқия».
15.00 «Ит уяси». Телесериал премьера.
15.55 «Ягона оиласда».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Кўшигим - жон кўшигим». 2. «Кинкингиз-гижингтоймиз».
17.30 «Мулк».
18.00 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Ташкент) - «Ал Видҳад» (Иордания). «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилиши.
18.50 «Умид». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».
21.25 Юнус Рахабий номидаги мақомчилар ансамблиниң концерти.
21.50 Ўзбекистон канали-

- 19.35 «Химоя».
19.50 «Эхтирор ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азим Изабелла».
21.30 «ТВ плюс».
22.40 Кинонигоҳ. «Рицар шамшири».
23.10-23.35 Ватан тимсолари.

ЎзТВ - II

- Профилактика муносабати билан, чоршанба 11 сентябр куни «Ёшлар» телеканалининг кўрсатувлари намойиши соат 14.50 бошланиди.
14.55 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Болалар учун концерт».
15.20 Чемпион сирлари.
15.40 Ёшлар овози.
16.00 Мусикий лаҳзалар.
16.10 Ўзбекистон Президенти Кубоги халқаро тенни турнири.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.30 Ўзбекистон Президенти Кубоги халқаро тенни турнири.
20.00 Спортлото.
20.10 Кухна оҳанглар.
20.30 Очил дастурхон.
20.30 Ёшлар наволари.
20.45 «Америкага ташриф». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.35 Эълонлар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканали-да спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ - III

- 17.20 ТТВда сериал: «Гинес-шоу».
17.40, 19.15, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экраны». «Шарки ва Жорж». 30-кисл.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
21.05 «Сиёсат оламида».
21.25 Юнус Рахабий номидаги мақомчилар ансамблиниң концерти.
21.50 Ўзбекистон канали-

ЎзТВ - IV

ОРТ

- 5.00 Телеканал «Добро утро», 8.00 Новости.
8.15 Сериал «Семейные узы».
9.15 Сериал «Дочь Магараджи». 10.10 Программа «100%».
10.35 Детский сериал «Тиниссы».
11.30 «Москва-Минск».
11.45 ВЕСТИ - МОСКВА.
12.20 ВЕСТИ - СПОРТ.
12.25 «Что хочет женщина». Ток-шоу с К. Новиковой и Е. Яковлевой.
13.25 ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Дикий ангел. Возвращение».
14.20 ПРЕМЬЕРА. «Простые истории». Телесериал.
15.00 ВЕСТИ.
15.15 Возвращение Коломбо. Детектив «Старый портвейн».
13.00 Телесериал «Остановка по требованию-2».
14.00 Новости (с субтитрами).
14.20 Док. сериал «Дикие штуки».
15.00 ВЕСТИ.
15.15 Остановка по требованию-2».
16.45 «Пилиоля». Мультифильм.
17.00 ПРЕМЬЕРА. Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
14.45 Телесериал «Убойная сила». «Предел прочности».
15.50 «Большая стирка» с А. Маховским.
18.35 Местное время. ВЕСТИ - МОСКВА.
18.55 ПРЕМЬЕРА. Детективный сериал «Каменская-2». «Мужские игры». 3-я серия.
20.05 К годовщине теракта в Америке. Фильм С. Пашкова «Точка отсчета».
21.20 ВЕСТИ.
21.35 К годовщине теракта в Америке. МИРОВАЯ ПРЕМЬЕРА.
21.40 «Американская трагедия. Наши. Год спустя».
22.35 Сериал «Убойная служба». 23.00 Ночное «Время».
23.30 Сериал «Операция «Свобода».
20.00 «Время».
20.35 Сериал «Барбара Понтенда».
21.40 «Америка фожеаси. Бир йилдан сунг». Хумматли фильм.
ЎзТВ-IV
22.35 «Теграмиздаги олам».
23.05 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

РЖТ

РТР

- 3.45 - 6.45 «Добро утро, Россия!». 5.05 - 5.50, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «СЕГОДНЯ».
7.55 Телесериал «Убойная сила». «Предел прочности».
8.00 «Мирская трагедия. Наши. Год спустя».
8.30 «СЕГОДНЯ».
9.00 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО».
10.00 «СЕГОДНЯ».
11.05 «КРИМИНАЛ».
11.15 А. Джигарханян и Е. Сидихин в острожданном фильме «Без обратного адреса».
13.00 «СЕГОДНЯ».
13.05 «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ». «Тюремный волк», 1-я серия.
13.35 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО».
14.40 «Вечные сны». Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО».
16.05 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИХ ФОНАРЕЙ». «Сорок лет до звезды».
17.20 «ЧИСТОСЕРДЧЕНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
18.00 «СЕГОДНЯ».
18.35 Детективный сериал «КЛЮЧИ ОТ СМЕРТИ». 3-я серия.
19.45 Телесериал «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ БУРЖУЯ-2».

НТВ

нағис туйғулари

- 9.05, 17.40, 20.35. «Телеканал»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Жасурлар» сериал.
10.40 «Яхши кайфият» мусикий дам олиш дастури.
11.10 «Шайтонча» телесериал.
12.00 «Д'Артаньян ва уч мушкетёр» 2-кисм.
13.30 «Яго, кора эхтирос» телесериал.
15.00 «Магдаленанинг

30-канал

- 9.05, 17.40, 20.35. «Телеканал»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Жасурлар» сериал.
10.40 «Яхши кайфият» мусикий дам олиш дастури.
11.10 «Шайтонча» телесериал.
12.00 «Д'Артаньян ва уч мушкетёр» 2-кисм.
13.30 «Яго, кора эхтирос» телесериал.
15.00 «Магдаленанинг

ЎзТВ - III

ОРТ

РТР

ЎзТВ - IV

РЖТ

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РТР

НТВ

нағис туйғулари

30-канал

ЎзТВ - I

ОРТ

РТР

ЎзТВ - II

ОРТ

РТР

НТВ

нағис туйғулари

30-канал

ЎзТВ - III

ОРТ

РТР

ЎзТВ - IV

РТР

НТВ

нағис туйғулари

30-канал

ЎзТВ - I

ОРТ

РТР

ЎзТВ - II

ОРТ

РТР

НТВ

нағис туйғулари

30-канал

ЎзТВ - III

ОРТ

РТР

ЎзТВ - IV

ОРТ

РТР

НТВ

нағис туйғулари

30-канал

ЎзТВ - I

ОРТ

РТР

ЯКШАНБА,

15

ЎзТВ - I

- Мультифильм.
9.45 Футбол плюс.
10.05 Очил дастурхон.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 Нокат.
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.10 "Фаройбот".
9.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультифильм.
10.00 "Ватанимга хизмат килимани".
11.00 "Кувноқ стартлар". Телемусобаба.
11.30 "Она меҳи".
11.50 ТВ анонс.
11.55 "Кўнха замин оҳанглари".
12.20 "Еттинги жин". Бадий фильм.
13.20 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
14.20 "Қалб гавҳари".
14.40 ТВ клип.
14.50 ТВ-1 кинотеатри: "Ширин орзулар". Бадий фильм.
16.40 "Барҳаёт наволар". "Болалар сайёраси".
17.05 1. "Олтин тоҳ". Телевизион ўйин. 2. "Санъат гуначалири".
18.05 "Талабалик йилларим".
18.25 "Тўртингич ҳокимиёт".
18.45 "Оқ олтин". Телептеря.
19.15 Бир жуфт кўшик.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
20.30 "Тахлилнома".
21.15 "Якшанбада Сиз билан бирга".
"Якшанба кинозали":
21.40 "Кино оламида".
22.00 "Титаник". Бадий фильм. 1-2 кисмлар.
1.10-1.15 Ватан тимсоллаши.

ЎзТВ - II

- 7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
9.20 "Сузини истайман".

Биласизми?...

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

1964 йилда Киев дорилғаннининг нисбийлик назарияси кафедраси ўқитувчи, йигирма беш яшар фан доктори Дмитрий Селивестров ўн уч яшар Тания Дваракдан механика-математика факультетига кириш имтиҳонларини олди.

Илҳом Мамедов ўн тўрт ёшида ўрга мактабни олтин медаль билан тутгатди. 19 ёшида Бокуда олий ўкув юртни битириб, математик таҳлил ва дифференциал тенгламалар соҳасида тадқиқот ишларини олиб борди. 20 ёшида номзодлик диссертацияни ёқлади.

Тбилисилик Нона Габашвили 9 ёшида ўнлаб куй, сонаталар ёзи. Унинг тендоши Руслан Петвиашвили эса рассомлик санъати бўйича катта бадий асарлар яратди.

А. ИСОМИДДИНОВ
тайёрлади.

- 21.20 "Телефакт".
21.30 "Ҳамшаҳарлар".
21.50 "Ташриф".
22.30 "Спорт-клуб".
22.50 Кинонигоҳ, "Йўлдаги учловон".
00.20-00.25 "Хайрли тун, шархим!"

ЎзТВ - IV

- 9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигидаги".
10.10 Кутқарувчилар. Тезкор ёрдам.
10.40 "Кайфият". Информацион-дам олиш дастури.
11.40 "Мультсеанс".
12.00 "Билишинистайман".
12.20 "Парле ви франсе?".
12.45 "Олтин микрофон".
13.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".
13.55 "FCN". Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
14.05-15.05 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Маврид", "Узбекистон-умумий ўйимиз".
17.05 "Бинафа".
17.30 СЦГ таддим этади: "Бешинчи ўлчов".
17.55 Юрмаладаги "КиноВин-2002" ҳалқаро фестиwal.
20.35 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.05 Олтиң мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичидаги.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Озодлик нашидаси". Бадий фильм.
19.35, 20.30, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
19.40 "Скарлетт". Кўп кисми бадий фильм. 4-кисм.
20.35 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.05 Олтиң мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичидаги.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Озодлик нашидаси". Бадий фильм.
00.15 - 00.20 "Хайрли тун!"

ЎзТВ - III

30-канал

9.05, 11.30, 17.45, 20.35

"Теле-ҳамкор".

9.30 "Сув париси" мельтсериали.

10.00 "Топинамбурлар-2".

Болалар учун фильм.

12.00 Оилавий кино. "Шахзода ва гадо" фильми.

13.40 "Бағи" телесериали.

14.30 "Рус вазири учун испан актисаси" комедияси.

16.10 Қизиқарли учрашув-

ОРТ

- 5.15 Ю. Толубеев, Е. Копелян в остроожетном фильме «Авария».
7.00 Новости.
7.10 Служу России!
7.40 Дисней-клуб: «Тимон и Пумба».
8.05 «Ералаш».
8.10 «Дог-шоу».
9.00 Новости.
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигидаги".
10.10 Кутқарувчилар. Тезкор ёрдам.
10.40 "Кайфият". Информацион-дам олиш дастури.
11.40 "Мультсеанс".
12.00 "Билишинистайман".
12.20 "Парле ви франсе?".
12.45 "Олтин микрофон".
13.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".
13.55 "FCN". Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
14.05-15.05 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Маврид", "Узбекистон-умумий ўйимиз".
17.05 "Бинафа".
17.30 СЦГ таддим этади: "Бешинчи ўлчов".
17.55 Юрмаладаги "КиноВин-2002" ҳалқаро фестиwal.
20.35 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.05 Олтиң мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичидаги.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Озодлик нашидаси". Бадий фильм.
00.15 - 00.20 "Хайрли тун!"

РТР

4.35 ПРЕМЬЕРА. «Багз Банин: кролики скажут тысячи и одной ночи». Мультифильм.

5.45 ПРЕМЬЕРА. «Дракоша и компания». Детский сериал.

7.00 Всероссийская лотерея

лар.

17.00 "Ўз ўйини" телешоуси.

18.10 "Детективлар-2" триллири.

19.50 "Ошиқона" мусиқий дастури.

20.00 "Агентлик" ҳажвий сериали.

21.00 "Махлук изи" детектив сериали.

21.55 "Хиндихитой" мелодрамаси.

00.25 Спорти шархи

"ТВ-Бинго-шоу".

7.35 Местное время. ВЕСТИ МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.

8.15 "Америка: год спустя. Сила против террора".

8.50 "Городок". Дайджест.

9.25 В. Лановой, Г. Юматов и Е. Герасимов в остроожетном фильме «Огарева, б!».

11.10 "Парламентский час".

12.00 ВЕСТИ.

12.20 "Вокруг света".

13.15 "Диалоги о животных".

14.05 "Два рояля".

15.05 "Комната смеха".

16.00 Б. Мирей, Д. Эйкрайд и С. Уивер в комедии «Охотники за привидениями».

17.50 "В Городе".

18.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.

19.10 "Специальный корреспондент". Авторская программа А. Хабарова. «Нелегал. RU».

19.40 А. Пугачева и Ф. Киркоров в бенефисе Б. Киркорова. «Юбилей в кругу семьи».

23.40 Чемпионат мира по автомонкам в классе «Формула-1». «Гран-при» Италии.

17.00 Времена.

17.55 Международный фестиваль команд КВН в Юрмале "Голосящий КВН - 2002".

20.35 Премьера. С. Сталлоне, М. Рурк в боевике «Убрать Картепра».

22.30 «На футболе» с В. Гусевым.

23.00 Ночной триллер «Темная гавань».

17.00 "Служба спасения".

12.00 "Сегодня".

10.00 "Музыка на СТС". FIVE.

7.50 "Вук". Полнометражный мультифильм.

9.05 Улица Сезам.

9.30 Программа мультифильмов.

10.00 "Лапиш - маленький башмачник". Мультифильм.

10.05 М. Державин и Р. Бабаян в программе П. Лобкова "Расительная жизнь".

10.40 "Вы будете смеяться" Ю. Гальцев.

11.00 "Сегодня".

11.05 ДИСБАТ. "Профессия - РЕПОРТЕР".

11.25 "Служба спасения".

12.00 "Сегодня".

12.05 Н. Пеньков, С. Тома и А. Збуров в детективе «Тайна Записной книжки».

13.45 Вкусные истории.

14.00 "Сегодня".

14.05 Своя игра.

15.00, 16.00, 17.00 "Сегодня".

15.20 "Каждый сходит с ума по-своему". Ток-шоу «Принцип Домино».

17.00 "Сегодня".

17.05 Новейшая история. "КО-

МАНДАНТЕ ЧЕ ГЕВАРА". Фильм В. Молчанова.

17.55 Д. Лопез в романтической комедии «СВАДЕБНЫЙ ПЕРЕПОЛОХ».

20.00 "НАМЕДНИ" с Л. Парфеновым.

21.30 Э. Баркин и Д. Кузэй в детективе «БОЛЬШОЙ КАЙФ».

23.40 Сериал «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».

0.30 ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ.

0.55 "ПЕПСИ-ЧАРТ".

1.35 "До встречи!"

20.45 "Кресло". Игровое шоу Ф. Бондарчука.

22.00 Кино на СТС. «НЕТ ПУТИ НАЗАД!».

0.30 "Черно-белое". Ток-шоу В. Петкуна.

1.30 "УБОЙНАЯ СИЛА". Телесериал.

2.30 Кино на СТС. «КОРРУПЦИЯ».

REN TV

6.45 Музикальный канал.

9.15 "В гостях у Тофика".

9.30 "Fox Kids": "Секретные материалы псов-спишионов". Мультсериал.

10.00 "Fox Kids": "Ферма чудища". Мультсериал.

10.30 "Fox Kids": "Русалочка".


11.30 "Хозяйка озера".

13.15 Программа «Формула Здоровья».

12.00 "Канал истории": "Игрушки".

13.30 "ПОСЛЕДНЯЯ СДЕЛКА".

15.30 "ОТМЩЕНИЕ".</div

Саломаттык сағиғасы**РАЙХОН ХИДИ
ЧИВИНЛАРНИ ҲАЙДАЙДИ**

Олимларнинг таъкидлашича, район ҳивинларни ҳайдаш хусусиятига эга (аслида ота-боболаримиз буни бир неча аср аввал олимларсиз ҳам аниқлаганлар) экан.

Үйнинг атрофига экилган район ҳашаротларни хонадонга яқинлаштиримайди, деган фикрга келиши кениялик мутахассислар. Агар ўсимлик хона деворига осиб қўйилса чивинларга айниқса кучли таъсир кўрсатиши маълум бўлди. Африкалик қабилалар маданиятини ўрганиш ушбу янгилик кашф этилишига катта ёрдам берди.

Бундан ташқари, олимлар терлаган оёқ ҳиди ҳашаротларни жалб қилишини ҳам аниқладилар. Энди бу восита ёрдамида ҳашаротларга қопқон яратиш устида бош қотиришаётпти.

**ТУНГИ ЧИРОКНИНГ
ХУСУСИЯТИ**

Қанд касаллигига чалингандар кўз нурининг хирадашиши ёки умуман кўриш қобилиятининг йўқолиш хавфини жуда оддий усул ёрдамида камайтиришлари мумкин. Бунинг учун кечаси

тунги чирокни ёқиқ ҳолда қолдирини керак, холос.

Диабет билан оғриган кишиларнинг кўз тўрида одатда қон айланиши ёмонлашади, бунинг натижасида кўриш қобилияти пасайиб боради. Ёпиқ қовоқлар орқали ўтиётган ёруғлик кўзда қон айланишини бир мағомда ушлаб туриш учун старлидир.

**РАҚСГА ТУШИШ УЧУН ҲАМ
АҚЛ КЕРАК**

Олимлар рақсга туша олмаслик миянинг тўлиқ ривожланмаганидан далолатdir, деган фикрин олға сурмоқдалар. Тадқиқотчilar рақкос ва рақкосаларнинг мияси анча яхши ривожланганини айтишаётпти.



Яқингача миянинг бу қисми асосан ҳаракатланиш ва югуришагина жавоб беради, деб ҳисобланар эди. Изланишлар натижажасида янги рақс ҳаракатларини осон ўрганадиган ва бажара оладиган кишиларнинг мияси ҳам яхшироқ ишланиши аниқланди.

**АЁЛЛАР НЕГА КЎПРОҚ УМР
КЎРИШАДИ?**

Американинг Пенсильвания штати университети олимлари таҳминига қараганда аёллар яхши ухлагани учун эркакларга нисбатан кўпроқ умр кўришади. Уларнинг организми тунда "уйғонишга", масалан, болани овқатлантиришга генетик мослашган.



Аёл тун мобайнида эркакларга нисбатан кўпроқ уйқу оғушида бўлади. Келгусида тадқиқотлар ёрдамида эркакларни яхшироқ ухлашга ўргатиш орқали умр кўришдаги тафовутни кисқартиришга эришиш мумкин, деган таҳминлар айтилмоқда.

ФАНТАСТИКА ВА ТУШ

Англияда ўтказилган тадқиқотларга қараганда, одам қандай китобларни ўқиса бу бевосита тушига таъсир кўрсатар экан. Dream Lab (Тушлар лабораторияси) деб ном олган кенг миқёсдаги тадқиқот мобайнида Буюк Британия кутубхоналарининг 10 минг аъзосидан махсус сўровномани тўлдириш сўралди.

Сўровнинг асосий мақсади кундалик ҳаёт давомида олинган таассуртлар ва тушлар мазмумни, уларнинг кетма-кетлиги ва эсда қолиши ўтрасида алоқа борми ёки йўқлигини аниқлашдан иборат эди. Натижада беллетристика ишқибозлари, биринчидан, ғалати тушлар кўриши, иккинчидан, бу тушлар уларнинг хотираларида узоқроқ сақланиб қолиши маълум бўлди. Фантастика ишқибозлари эса ваҳимали тушлар кўтар, кўп ҳолларда тунни ярим уйқу ҳолатида ўтказишар экан. Севги ҳақидағи романларнинг шайдолари энг эҳтиросли тушларни кўришлари ойдинлашиди.

Тадқиқотлар китоб айниқса болаларга кучли таъсир этишини кўрсатди. Уларнинг ёши қанча кичик бўлса, ўқиш шу даражада кучли таъсир қиласар экан. Даҳшатли эртаклар ўқишини ёқтирадиган болалар бу борада бошқаларга нисбатан уч баравар кўп азиат чекишиади.

**ТЕТИКЛАШИШ УЧУН...
ЭСНАНГ**

Одатда киши уйқуси келганда эснайди. Американик олимлардан бири бунинг аксини исботлади. У тадқиқотда иштирок этажтадан эснаган вақтда билакларидаги махсус мослама тугмасини босини илтимос қилди. Натижада одамлар фаол ҳаракат бошлидан олдин эснашлар аниқланди. Олимпиада иштирокчилари мусобақа, парашютчилар биринчи сакраш, талабалар имтиҳон топшириш, скрипкачилар эса концерт олдидан эснар эканлар.

**ҚОН БОСИМИНИ
ОВОЗ
ЧИҚАРМАЙ
ҮЛЧАШ ЛОЗИМ**

Яқинда ўтказилган тадқиқотларда қон босимини ўлчаш жараёнида гапирмаслик кераклиги аниқланди. Тадқиқотда иштирок этажтадан биринчи гуруҳдаги беморлар қон босими китоб ўқилаётган вақтда ўлчанди. Бунда қон босими пасайгани аён бўлди.

Иккинчи гуруҳдаги bemorларни эса гаплашиштган вақтда ўлчанди. Кўрсаткичлар кутилмагандан қон босими кўтарилиганидан далолат берди. Фақат жим ўтирган учинчи гуруҳдаги bemorлар қон босимининг ҳақоний кўрсаткичларини аниқлаш мумкин бўлди.

**ЁНГОҚ ИНФАРКТДАН
САҚЛАЙДИ**

Ёнгоқ истеъмол қилиш Альцгеймер касаллиги ёки тўсатдан инфарктта чалиниш хавфини камайтириши маълум бўлди. Бодом, кўкатлар ва бошқа маҳсулотларда (сунъий кўшимчалардан ташқари) мавжуд Е дармондориси Альцгеймер касаллиги пайдо бўлиши хавфини кескин камайтиради. Айниқса, бодом таркибидаги Е дармондориси организм томонидан осон ҳазм қилинади.

Яна бир тадқиқот натижаларига кўра, ҳафтасига камида иккى марта 30 г ёнгоқ истеъмол қиласиганда эркакларда инфарктта чалиниш хавфи 47 фойизга ва юрак хуружидан вафот этиши 30 фойизга камаляр экан. Ёнгоқларнинг бу миқдори атиги 164

калорияга эга, у организмни Е дармондориси, магний, калий билан таъминлайди.

Бундан ташқари, бодомда оқсил моддаси, тўйинмаган ёғ, кальций ва рух мавжуд.

**ШОКОЛАД
- БАХТ
МАНБАИ**

Олимлар нима учун аёллар шоколадни яхши кўришларига яна бир сабаб топдилар. Аниқланишича, ундан ёғ ва шакар аралашмаси мияда тинчлантирувчи серотонин ва аёлларни баҳтли қиласиган эндорфин моддалари ишлаб чиқаришига турткি бўлар экан.




Шунингдек, шоколад (ҳатто какао) таркибидағи фенилэтиламин ва тиобромин кишини тетиклашибириб, кайфиятини кўтаради. Буни олимлар жуда жон тушилтиришмайди: аёлларда ёғ ҳужайралари эркакларнига қараганда кўпроқ ва улар ушбу ҳужайралар фолиятини сақлаб туриш учун юқори калорияли овқат истеъмол қилишга интиладилар.


Бундан ташқари, аёлларга шоколад туфайли ўйғонадиган ҳислар ёқади. У тана ва мияга бошқа неъматларга қараганда кўпроқ куч багишлайди.



Rossom handasi



O'nta farqni toping



ФУТБОЛ-ШОУ

Ўзбекистон чемпионати. Олий лига

ХОҲИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

20-тур. "Трактор" – "Қизилқум" – 0:3, "Бухоро" – "Сурхон" – 2:1, "Сўғдиёна" – "Дўстлик" – 1:0, "Зарафшон" – "Насаф" – 0:1, "Машъал" – "Металлург" – 2:4, "Самарқанд-Д" – "Нефчи" – 0:1, "Пахтакор" – "Қўқон - 1912" – 5:0, "Навбаҳор" – "Андижон" – 3:0.

Ушбу тур Мустақиллик куни арафасида ўтказилгани сабабли ҳар бир жамоа байрамга ўзига хос совфа тақдим этиш, яъни фалаба қозонишга ҳаракат қилди. Аммо биргина хоҳиш-истик билан кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Кейинги пайтда турнирда етакчилик қилаётган жамоалар мувффакият қозонишига кўнишиб қолдик. Шу боис у ёки бу учрашув қандай натижага билан якунланишини олдиндан башорат қилияпмиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. "Пахтакор"дан ташқари барча етакчилар меҳмонда ўйнаган бўлишса-да, бу уларнинг мавқеига деярли таъсир кўрсатмади.

Биринчи бўлиб "Қизилқум" жамоаси нимага қодир эканлигини намойиш этди. Бешинчи марта кетма-кет маглубият аламини тобтиб кўраётган "Трактор" футболчилари биринчи бўлим давомидагина дарвозалари дахлизилигини сакладилар. Тўп ўтказиб юборгандаридан кейин эса (Р. Байрамов) ачча бўшашиб қолишида ва натижада М. Идиатуллин икки марта дарвозани ишғол қилишга мувффак бўлди.

Зарафшонликлар ютугини фарғоналиклар ва қаршиликлар "Самарқанд" ҳамда "Зарафшон" жамоаларини бир хил – 0:1 ҳисобда енгигиб, "қўллаб-қувватладилар". Тўпларни С. Ни ("Нефчи") ва В. Келдиев ("Насаф")лар киритиши.

Муборакликлар химоясини дода қолдирган "Металлург" яна муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Меҳмонлар икки бор ҳисобни тенглаштириши. (Ш. Жабборов, А. Багутдинов). Шунга қарамай бекободликлар чиройли ўйин кўрсатиб, мусобақа якунлангунча яна иккита жавобсиз тўп киритдилар.

"Пахтакор" навбатдаги фалабани кўлга киритиб, пешқадамликини янада мустаҳкамлаб олди. Ажабланарли томони, ийрик ҳисобдаги маглубият

бият ибтидосини кўқонликлар бошлаб берди. Учрашувнинг учинчи дақиқасида И. Раҳимов ўз жамоаси дарвозасига тўп киритди. Меҳмонлар ўйинни ўйинго марказидан бошлаши билан тўп яна тўрга келиб тушди. Шундан сўнг ўйин бироз тенглашди. Аммо тошкентликларнинг иккинчи бўлимдаги саъиҳаракатидан кейин ракиб дарвозасига тўплар ёғила бошлади. "Пахтакор"да тўп суроётган М. Косимов ва Т. Кападзелар гол киритиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлдилар.

"Дўстлик" жамоаси иштирокидаги учрашув эса кўпчиликни ҳай



ратга солди. Ўзини анча ўнглаб олган пойтахт вилояти футbolchilari кутилмаганда турнир аутрайдерларидан бирига имкониятни бой беради, деб ким ўйлабди дейсиз. Эҳтимол, уч марта кетма-кет фалаба қозониб, турнирнинг хавфли қисмидан чиқиб олган "Сурхон" ҳам фалабага эришишдан умид қилгандир. Аммо бухороликлар юзага келган имкониятдан мувффакиятили фойдаланиши. Сурхондарёлик Ж. Исокулов киритган голга мезбонлар икки тўп (И. Иномов, Ш. Файзиев) билан жавоб қайтардилар.

"Навбаҳор" бошқа жамоалардан бир кун кейин майдонга тушди. Шу боис футболчиларга учрашувларнинг натижаси маълум эди.

Я. КОРУКА.

5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	19	17	1	1	63-9	52
2. "Қизилқум"	20	15	1	4	48-17	46
3. "Нефчи"	20	14	2	4	46-22	44
4. "Насаф"	20	13	2	5	42-22	41
5. "Металлург"	20	10	5	5	30-24	35
6. "Бухоро"	20	10	2	8	30-40	32
7. "Навбаҳор"	20	9	3	8	35-27	30
8. "Дўстлик"	20	9	1	10	26-31	28
9. "Андижон"	20	7	3	10	27-35	24
10. "Самарқанд-Д"	20	6	3	11	18-33	21
11. "Сурхон"	20	6	2	12	25-36	20
12. "Сўғдиёна"	20	5	4	11	21-35	19
13. "Трактор"	20	5	4	11	21-37	19
14. "Қўқон-1912"	20	5	2	13	20-46	17
15. "Машъал"	19	4	3	12	20-39	15
16. "Зарафшон"	20	4	2	14	19-37	14

ТЎПУРАРЛАР:

Мухтор Курбонов ("Нефчи") – 15 (6)
Бахтиёр Ҳамидуллаев ("Андижон") – 15
Марсель Идиатуллин ("Қизилқум") – 15
Шуҳрат Мирхолдиршаев ("Навбаҳор") – 14
Гочкули Гочкулиев ("Пахтакор") – 12 (4)

Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги олдидан

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Яқин кунларда юртимизда Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги кенг нишонланади. Энг оммавий спорт турига 1912 йили Фарғона ва Қўқонда дастлабки футбол жамоаларини ташкил этиш орқали асос солинган. Ўша кезлари республика чемпионатлари ўтказилмагани сабабли кучлиларни аниқлаш учун халқаро учрашувларда иштирок этишга тўғри келарди. Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб республика биринчилиги ташкил этилди. Баҳсларда тошкентлик ва фарғоналик футболчиларга омад кулиб бўди.

1928 йили ушбу жамоалар негизида тузилган Ўзбекистон терма жамоаси Москвада ўтказилган халқаро спартакиадада мувффакият қозониб, фарҳли еттини ўринни эгаллади. 30-йилларга келиб ўзбекистонлик футболчилар да-

дил қадам ташлай бошладилар. Улар халқаро миқёсда ўтказилган учрашувларда Норвегия ишчилар терма жамоаси ва Германиянинг "Фихте" клуби устидан фалаба қозондилар. Тошкентнинг "Динамо" жамоаси Бутуниттифок мусобақаларда "Г" гурӯҳда (иккичи лига) иштирок этиб, Москва, Боку, Ереван, Смоленск, Горький, Днепропетровск жамоалари билан кунсинашди. 1939 йил эса собиқ ССРР Кубогин янрим финалигача боршига эришид.

Иккичи жаҳон уруши туфайли орада бироз узилишлар бўлди. 1947 йилдан вакилларимиз турнирларда Тошкентнинг уч жамоаси билан қатнаша бошлаши. "Динамо" Ўрта Осиёнинг бешинчи зонасида учинчи ўринни эгаллади. 1956 йил футбол тарихида катта воқеа рўй берди – "Пахтакор" клуби ташкил этилди. Тўрт мавсум давомида "Б" классида иштирок этган жамоа олий лига таркиби кириттиди. Биринчи лигада Фарғонанинг "Нефчи" ва Намангандаги "Навбаҳор" жамоалари мувффакият қозонишиди.

Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишиланган тантаналар 7 сентябр куни Тошкентда бўлиб ўтади.

Жаҳон футболи янгиликлари

ИҚТИДОРНИНГ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Москванинг "Локомотив" жамоасида тўп суроётган йигирма беш ёшли ҳужумчи Максим Бузникин ўз муҳлисларига яна бир совға тайёрламоқда. Гап шундаки, иқтидорли футболчи "Келендарь" деб номланган мусиқий альбом яратиб, кўпчиликни лол қолдирган эди. Ундан гитарада ижро этган қўшиклири, ўрин олган. Айниқса, таниқли гимнастикачи Алина Кабаевага бағишиланган "Алина" композицияси қўшиқ шайдолларидага катта таассурот қолдирган эди. Футболчи эндиликда телевиде-

ниедаги марказий каналлардан бирда кўрсатув олиб боришига ҳам тайёрларлик кўраяпти. Нима ҳам дердик, иқтидорнинг бўлгани яхши.

ЖАМОА ҲИМОЯЧИСИ ОКЛАНДИ

"Челси" ҳимоячиси Жон Терри тунги клуб тамаддасини калтаклашда айбланаётган эди. Англия ёшлар терма жамоаси сардори устидан етти ой давом этган тергов ҳаракатларидан сўнг суд футболчини оқлади. Бу орада "Челси" клуби етакчи ўйинчи билан тузилган шартномани бекор қилишига оқлади. "Мен келгусида Англия ми-

лий терма жамоаси сафида иштирок этиб, сардор бўлишишмага ишонаман", деди 21 ёшли Жон Терри.

"БАВАРИЯ"НИНГ ХАЙРИЁДДАМИ

Германия Чемпионлар лигасининг учинчи раундидаги Мюнхеннинг "Бавария" клуби Белграднинг "Партизана" жамоасига қарши майдонга тушади. Баварияликлар ўйин пайтида тўпландиган маблагни шу йил ёзида мамлакатда рўй берган сув тошқинидан зарар кўрган оиласаларга моддий ёрдам тартиқасида ўтказишга қарор қилишиди.



Ehterom

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

МАХСУС САҲИФА

ОЛТИН ТҮЙ МУБОРАК!

Ярим тунда ишдан қайттан ўғлини кутиб олган Рисолат ая дастурхонга овқатни қўяр экан, сенин гап бошлади:

– Ўғлим, сен тенгилар уйланиб, фарзандлик бўлишяпти, қўзим очиқлигидаги тўйингни кўриб, невараларимни бағримга боссам дегандим.

Фоғуржон табиатан камгап бўлгани учун бироз қизариб, ўнғайсизландида, овқат ейишни давом эттириди.

– Ўйқ демасанг, Тошкентта Оққуронга бораман, холангни қизи Хоназмхон эпчилгина, уйжини эплайди. Бир томони қариндошлилк ришталари узилиб кетмайди.

– Милиция ходими-нинг ҳаётига чидай олармикин, эрта кетиб, кеч келсан.

– Кўнишиб кетади, ўғлим.

Хуллас, кузга бориб тўй бўлди. Икки ёшнинг никоҳ базмига келганлар,

кўша қариб, бир-бирингизга садоқатли бўлинглар, деда дуога қўл очиши.

Мана шу тилаклар янграган кун – Фоғуржон ака билан Хоназмхон аянинг турмуш қурғанларига эллик йил бўлди.

– Онам раҳматли айтгандаридек, Хоназмхон милиция хизматчиси-нинг ҳаётига кўнишиб кетди, – деда Фоғуржон ака, – ҳафта, ўн кунлаб уйга келмаган кунларим бирор марта араз ёки жанжал қилган эмас. Болалар баҳтига омон бўлинг, дейишдан нарига ўтмади.

– Отам фарзандларга жуда қаттиқўй эдилар, – деди Хоназмхон ая, – ёшлигимиздан меҳнатга ўргатдилар. Онам ҳам бекор юргани ёқтирасмийлар. Фоғуржон акага турмушга чиққанимдан кейин, катта ҳовлида бир ўзим қолардим. Томорқа-

да кўймаланиб ўзимга иш топиб, бекор қолмасликка ҳаракат қиласдим. Бекор қолсанг ҳаёлингига ҳар хил ўйлар келаверади. Болалар туғилгандан кейин иш кўпайди.

– Фарзандларимизни фақат ўзи тарбия қилган, – деди ота-оналар аянинг турмуш қурғанларига ўтингни отаси борми, фақат сизни кўрамиз, дейишарди, – деди ая кулиб.

Фарзандлар вояга етгач, ҳаётда ўз йўлларини топиши, кўпчилиги ота касбини танлаши. Катта қизлари Зулфия педагог, Гуломжон милиция полковники, Зоҳидон милиция майори, Рустам (раҳматли) милиция капитани эди, Расул милиция капитани.

Табиатан камсуқум, оддий ўзбек аёлининг

тимсоли бўлган Хоназмхон аянни сұхбатга тортамиз.

– Фарзандларингиз милиция ходими бўлишига қаршилик қилганмисиз?

– Дадангта ўҳшаб умринг кўчада ўтиб кетади, деганман. Лекин фарзандларни разийига ҳам қараш керак, зўрлаб ўзи хоҳлаган ишга унлаб бўлмайди. Дадасининг йўлидан бориб кам бўлишмаяпти. Катта қизим Зулфия ўқитувчи бўлди, лекин унинг қизи, неварамиз Ирода эгнига милиция кийими киди. Чеварамиз Абобекир бир яшар бўлди.

Пиро бадавлат, қўша қариган бу табаррук инсонларга боқиб ҳавасин-

гиз келади. Юртимизда бундай аҳил, садоқатли оиласлар борлигидан фахрланамиз.

– Эр-хотин умид билан бир ёстиқча бош қўйдими, аввало бир-бирига ишонч бўлиши керак.

Рўзгорда борига шукр қилиб болаларни оқ ювиб, оқ тараф ўтирган аёлга бевафолик қилиш, ранжитишнинг ўзи катта гуноҳ, деб биламан, – деди Фоғуржон ака аяга меҳр билан қараб.

– Милиция ходими-нинг умр йўлдоши бўлиш осон эмас. Тақдир осоишишалик пособони билан боғлаган экан, сабрли, қаноатли бўлиш керак. Онам менга доим, амалдорнинг аёлимдан деб кек-

каймагин, шоҳона кийинмагин, дея насиҳат қиласдилар. Кўп яшайман, орзуларимга эришаман, деган инсон аввало кексалар, ота-онасининг дуосини олсин экан.

Дарҳақиқат, Фоғуржон ака билан Хоназмхон ая оналарининг дуосини олишган. Сулоланинг кексалари 90-100 ёшгача кириб, роҳат-фароғатда яшаб ўтишган. Олтин тўйини нишонлаётган табаррук инсонлар – истеъфодаги милиция генерал-майори Фоғуржон ака Раҳимов ва садоқатли умр йўлдоши Хоназмхон аяларга ҳам аждодлари каби узоқ умр кўришларини тилаб қоламиз.

С. ШАМСИДДИНОВ.

“Милиция оқсоқоллари” танловига

“КЕКСАЛИКДА



1947 йилнинг кеч кузи, ҳамма пахтага сафарбар этилган. Чаноқдаги сўнгги толалар йигиб-териб олинмоқда. Пахта ташувчи аравакаш боланинг, аскар келяяпти, деган овози эшилди-ю, ҳамма ўша томонга қаради. Кимдир “Бу Аллаберган-ку!” – деб бақириди. Анажоннинг юраги ҳаприқиб, аскар томон югурди...

– Хўш, ўғлим, энди нима килмоқисан? – деди отаси учтўрт кун ўтгач Аллаберганни ёнига чақириб.

– Милицияга ишга кирмоқчиман, – деди ўғли баймалихотир.

– Шунча йил форма киб, биздан узоқ юрганинг камлик қилдими? Аканни йўқотдик. Энди бағримизга кийилчилардан кўркмади. Чунки даврнинг ўзи қалтис,

моқисан? – деди онаси кўзига ёш олиб.

– Уруш тугади, эна. Энди эл ичида, доим ённингизда бўламан, – босиқлик билан тушунтириди ўғил.

– Энаси, у ҳеч қаёқа кетаётгани ўй, – деб гапини бўлди отаси. – Энди бу ёш бола эмас. Пишиб этилган чинакам ҳарбий. Элнинг қалкони, тинчлик ва осоиштакликинг пособони бўлишини истаётган экан, бундан фарқат хурсанд бўлишимиз кепак.

Аллаберган эгнига милиция формасини киди. Шахсий таркиб озчиликни ташкил этади, туман худуди эса катта. Асосий улов от. Ана шундай оғир шароитда иш бошлаган Аллаберган кийинчилардан кўркмади. Чунки даврнинг ўзи қалтис,

уруш олови ўчган бўлса-да, кишилар қалбидаги дард оғир эди.

Бир куни кечқурон Хонимхон исмли аёл эчкиси йўқолгани ҳақида шикоят қилиб келди. Аллаберган отга миниб, эчки bogлангандалага борди. Аксига олиб тун зимиштон эди. Шийлонда кўринган шуъла дикқатини тортиди ва ўша томонга юрди. Шийлонга келди-ю аҳволни дарров тушунди. Ўн беш ёшлар чамасидаги бола эчкини маҳкам ушлаганча ютоқиб эмарди. Аллаберган эчкини эгасига қайтариб, болани ҳўжалик устахонасига ишга жойлашириди.

Икки кун ўтиб онаси ишга кузатиб кўяр экан, ўғлини меҳр билан қучиб.

– Кечир, ўғлим, мен янглишибман. Кечча Хонимхон

КЕЛГАН ДАВРОНИМ МЕНИНГ

Икки ўғлини урушга кузатган ота-онанинг ҳаловати ўйқ. Катта ўғил Олимбийнинг бедарак йўқолганилиги ҳақида қофоз олиши. Кичиги Аллабергандан эса на хат бор, на хабар. Тиқ этса эшикка қарашади.

келиб, бир олам дуо қилиб кетди. Одамларга нафинг тегаётганидан бошим осмонга етди. Умрингдан барака топ, – деди.

1956 йилнинг ёзи. Хўжайдидан ун ортилган юқ кемаси мўлжалдан кечқаётганилиги ҳақида хабар олини. Зудлик билан қидирив гурухи тузилди. Унга милиция капитани Р. Болтаев, милиция катта лейтенанти Э. Исматиллаев ва сержант А. Худойбергановлар жалб этилди. Тезкор суринширувлар натижасида Амударё кирғокларида кемаларга йўл кўрсатувчи Аразгелдининг номалум шахслар томонидан ўлдирилганилиги ва ёлғон сигналлар билан кема тўқай томондаги саёзликка олиб чиқилганилиги маълум бўлди. Вазифа ёрдам кучи етиб келгунча олти кишидан иборат жинон гурухининг талончилигига йўл қўймаслик ва қочирмаслик эди. Отишма узоқ давом этмади, пухта ўйланган тадбир ўз самарасини берди. Жиноятчилардан тўрттаси отиб ўлдирилди, иккитаси тирик қўлга олини. Кема яна бус-бутун йўлга тушди.

Ота билан истироҳат боғида юргандик, қаршилиздан бир киши чиқиб келиб ота билан кучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўради.

ди ота биз билан сұхбатда.

– Ота-онам ўз ўрнимни топганимдан хурсанд бўлишиди.

Бироқ ҳаётдан эрта кетиши. Шафқатсиз ўлим турмуш ўртогимни ҳам бевақт олиб кетди. Икки ўғил тарбияси ўзимга қолди. Инсон иродали бўлса барига чидаркан. Энг муҳими, ишдан кўнглимини советмадим, милицияда ўттис уч йил хизмат қилдим.

Хаммаси ортда қолди, ўғилларим камолга етишиди. Рўзивой савдо ходими, Оtabек қурувчи. Мен эса олти набирининг баҳтиёр буваси бўлиб қарилек гаштини суреб юрибман. Туман ИИБ раҳбарлари тез-тез уйга келиб, ҳолимдан хабар олиб туришиби. Кўрсатаётган хурматлари учун раҳмат.

Бир кам саксон ёшли ота-онанинг сўзи ўтири, руҳи тетик. Бүш вақтларида набираларига ўтмиш хотираларидан ҳикоя қурувчи суратларни кўрсатади. Урушнинг аянчли оқибатларини тушунишиб, тинчликнинг қадрига етиш ҳақида насиҳат килади.

Ота билан истироҳат боғида юргандик, қаршилиздан бир киши чиқиб келиб ота билан кучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўради.

– Эчкини ўғирлаб эмган бола шу бўлади, – дедилар кулиб.

– Асли ҳазорасплиман. Онамдан эрта етим қолиб, ўтай онамнинг зуғумига чидамай, кемаларга осилиб Тўрткўлга ўтиб қолгандим. Ўшанда Аллаберган ака тўғри йўл кўрсатмаганларидан ким билади, тақдирим аянчли бўлармиди. Шу ерда баҳтиим топдим. Шунинг учун ҳам ҳар гал шаҳарга келганимда Аллаберган отани албатта бир кўриб ўтаман, – деди Раим миннатдорчилигини яшираймай.

Умрингнинг асосий қисмини эл осоишишалигига баҳш этиб келаётган нуроний ота-онанинг дилидаги фарҳ ва ифтихор туйғуси шу қадар кучлики, уни таърифлашга тил ожизлиқ қиласди. Зоро, юртбошизим томонидан уч юз олтмиш беш куннинг барчаси қарияларни қадрлашга баҳш этилганилиги ҳам бежиз эмас. Чунки улар тимсолида Ватанга бўлган буюк муҳаббат, чинакам садоқат ва фидойи хизмат гавдаланади.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.
Суратда: истеъфодаги милиция катта сержантни А. Худойбергановлари билан.

Кўша қариётганлар



Диққат, фирибгар!

Ез кунларидан бири. Яккасарой туманида яшовчи Лобар опа салқин жойга қўйилган чорпояда нимадир тикиб ўтиради. Кўча томондан бировнинг чақиргани эшилди. Уй бекаси ўрнидан қўзғалиб, эшикни очишига чоғланди.

СИРДИ ТУГУНЧАЛАР

Иссиқдан юзлари қорайиб, кўзларida чарчоқ аломатлари сезилиб турган бир аёл таклифни ҳам кутмай, ҳовли томон юрди. Унинг ҳаракатидан ҳайратланган Лобар опа: "Келинг, синглим, хизмат?" деб сўради. Меҳмон бепарвонлик билан кўрпачага чордона қуриб, ба-ланда овозда сўзлай бошлади.

— Ажабланманг, ўргилай. Хонадонингизга бежиз қадам ранжида қилмадим. Кўчадан ўтгаётib, эшигингизга етганимда, қандайдир куч елкамга урилди, дент. Кўз олдим қоронгулашиб, бошим худди чарх-палак мисол айланди.

Менга аён бўлишича, хонадонингизнинг остонасида хавф-хатар бор. Бу қайсирига разгўй ганимларнинг сизга нисбатан адовартидан нишона. Яхшиямки, вақтида келдим, акс ҳолда тури кўнгилсизликларга дуч келишингиз мумкин эди.

Хонадон соҳибаси ҳайратда қолди. Лўли хотин ундан ҳовли

ўртасидан уч жойни кавлаб, тупроғидан чеълакка солиб келтиришларини сўради. Мезбонлар буюрилган ишларни сўзсиз бажаришиди.

Лўли хотин катта пичноқ билан чеълакдаги тупроқни титкилади-да, сўнг уни Лобар опага узатди:

— Холажон, яхшилаб қидириб кўринг, сезишими, бунинг ичидан нимадир бор. Қандай нарса чиқса дарҳол менга берасиз. Зинҳор қўлингизда ушлаб турманг. Чунки у зиён етказиши мумкин.

Унинг гапларидан руҳи тушиб кетган Лобар опанинг кўлига ҳақиқатан ҳам нимадир илинди ва шу заҳоти титраб, уни тупроқ аралаш сиқимлаганича лўли хотинга узатди. Фирибгар аёл тупроққа қоришиб ётган кичик халтачани олиб, эҳтиёткорлик билан оча бошлади. Лобар опа ва келинлари ундан кўзларини узмай турардилар. Лўли хотин темир бўлак-

часи, соч толаси сингари майди-чўйда нарсалар солинган жами ўн иккى дона кичик тугунчаларни кўрсатаркан, булар оиласа келтиришини тушунтириди.

Саросимага тушган Лобар опа яқин кунларда рўзгордан қут-барака учиб, кўнгилхараликлар юз бериши мумкинлигини олдиндан айтиб беролган лўли хотиндан ёрдам беришни илтимос қилди.

Лўли хотин бир оз ўйланиб, Лобар опанинг умид билан бо-



қиб турган кўзларига қараб сўз бошлади:

— Тушкунликка тушишдан фойда йўқ. Зудлик билан бўлгуси касодларнинг олдини олган маъқул. Тугунчалардаги инсанларни "қайтарик" қилиш учун ҳар бирига ўн минг сўмдан пул тўлашингиз керак бўлади.

Боши қотган Лобар опа бунча пули йўқлиги, фақат тўрт минг сўм бера олишини айтди. Бундан қаноатланмаган лўли хотин Лобар опанинг ҳовлида ўйнаб юрган набираси кулоқла-

ридаги тилла зиракларни ечди-риб олди-да, хайрлашиб, чиқиб кетди.

Вақт ўтиши билан дарвоза яна тақиллади. Бориб очса, қўшниси Ҳалима ая экан. Унинг айтишича, бундан бир соатча олдин уларникига бир лўли хотин ташриф буюриб, роса ҳийла-найранг кўрсатибди. У ўз амалларини намойиш қила бошлаган, лекин тупроқ чеълакка солиб келтирилгач, фирибгар ўраб, тайёрлаб қўйилган маҳсус халтачани чеълак ичига ташлаб юбормоқчи бўлганида, Ҳалима ая сезиб қолади. Лекин лўли хотиннинг айтганларини бажаришда давом этади. Челак ичидаги тупроқни титкилаш чоғида халтачани кўрпача тагига беркитиб қўяди-да, тупроқ ичини титкилашда давом этаверади. Керакли нарса топилавермагач, таажубга тушган лўли хотиннинг ўзи ҳам чеълакдаги тупроқ орасидан халтачани қидириб кўради. Ҳеч нарса тополмагач, "сизларнинг уйларингиз хавф-хатардан холи экан" деда, хизмат эвазига юз сўм олиб, жуфтакни ростлайди.

Ҳалима аянинг ҳикоясини охиригача тинглашга сабри чидамаган Лобар опа кўчага отилди. Кўп ўтмай, қўши хонадонларнинг биридан фирибгар аёлни тутиб ички ишлар бўлимига топширишиди.

С. ХАЛИЛОВ.

Килмиш — қидирмиш

ТЕПАҚЎРҒОНЛИК "ИШБИЛАРМОН"

Чуст тумани Тепақўргон қишлоғида яшовчи И. Карим ўғрилик қилгани учун жазо муддатини ўтаб келганди. Махалла-кўй аралашиб унга иш топиб беришиди. Лекин болалиқдан оғир меҳнат қилиб, нон ейишга бўйни ёр бермagan йигит бир баҳона топиб ишдан бўшайди. Аммо яшаш керак. Атрофга қараса ҳамма нима биландир банд. Бирор тижоратчи, бирор ишбilarmon. Аввалига меваларни қайта ишлаш билан шуғулланмоқчи бўлди. Бўлажак ташвиш, ҳаракатларни эшишиб пешонаси тиришиди. Кейин тижоратчиликка бош урмоқчи бўлди. Молни қаердан олади? Яна боши қотди.

Бирдан миясига келган фикрдан ўзи кувониб кетди.

Ярим тун бўлишига қарамай тенгдоши Д. Кенжанинг олдига борди. Муддаосини эшигтган дўсти унга:

— Дўстим, ўғрилик қилиб бир марта қамалдинг, энди тинчгина ишласанг бўларди, — деди.

— Сен менга насиҳат қилмоқчимисан? — деди И. Карим зарда билан.

— Яна қамалмоқчимисан бўлмаса, — деди Д. Кенжа.

И. Карим нимадир деб гудраниб чиқиб кетди ва тўғри Ш. Соибназарнинг дўкони олдига борди. Мақсади дўконни "тозалаб" кетиш эди. Бир кун пойласа якшанба бўлади. Бозорда ким-кимни суриншириарди, арzon-гаровга сотади, кетади..

Шундай ҳам қилди. Дўконнинг орқа эшигини бузиб ки-

риб, кўлига илингандар нарсаларни қопга жойлади. Ҳамма ширин уйкудалигига "ишбilarmonlik" қилиб, уйига қайтиди.

Эртасига Ш. Соибназар келиб қараса дўконнинг эшиги бузилган, моллар ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Нима қиларини билмай шошиб қолди. Бир оздан кейин ўзини босиб олди-да, милицияга хабар берди.

Якшанба куни бозор авжи қизиган пайтда атрофга олазарак қараб-И. Карим пайдо бўлди. У энди молларини пештахтага ёймоқчи бўлганда, милиция ходимлари етиб келишиди. Гувоҳлар иштирокида Ш. Соибназар ўғирланган молларини таниди.

Шу тариқа И. Каримнинг "ишбilarmonligi"га чек қўйилди.

Д. РУСТАМОВ,
милиция лейтенантни.

Чимкентлик ўта хавфли рецидивист Абдувоҳид Кучиков Бахт шаҳрида истиқомат қилувчи таниши Зафар Жумабоевнидан паноҳ топди.

Зафар уч фарзанднинг отаси. У 1983 йилда Сирдарё вилоят суди томонидан 15 йил муддатга озодлик-

дан маҳрум этилиб, 1996 йилнинг март ойида озод бўлди. Касби этик-дўзлик бўлган йигит Абдувоҳид билан ўшандан тиканли симлар ортида танишганди. Шунинг учунни, Абдувоҳид ҳеч иккапланмай эски танишининг уйига кириб келаверди.

Икки ҳамтовоқ роса маишат қилишиди. Сўнгра пул топиш даридда Зафарнинг дўсти — Эркиннинг уйига болта кўтариб боришиди. Бу пайтда Эркиннинг хотини Муборак опаси ва болалари билан ошхонада гурунглашиб ўтиришарди. Авзори бузук, унинг устига қўлида болта билан кириб келган Зафарни кўрган

икки аёл жойларида қотиб қолишиди. Малика унинг "Эркин қаерда?" деган саволига:

— Уйда, уйда эдилар.., — деди ичарини кўрсатиб. Кейин гўё эрини излаётган бўлиб, Зафардан олдин ҳовлига тушди. Ҳовлиниг четида турган нотаниш кишини кўриб, бадтар

ҚЎЛДА БОЛТА БИЛАН
дан маҳрум этилиб, 1996 йилнинг март ойида озод бўлди. Касби этик-дўзлик бўлган йигит Абдувоҳид билан ўшандан тиканли симлар ортида танишганди. Шунинг учунни, Абдувоҳид ҳеч иккапланмай эски танишининг уйига кириб келаверди.

Чакирилмаган "мехмонлар" ичарига кириб, жавонда турган 290 минг сўм пулни чўнтакка уришиди. Аммо улар излари куримай қўлга олинди-лар.

Болта кўтарган ҳамтовоқлар қилмешларига яраша жазо олдилар. Абдувоҳид Кучиков ўн икки, Зафар Жумабоев эса ўн бир йил муддатта озодликдан маҳрум этилди.

Ш. БОЗОРБОЕВА.

СИМҚИРҚАРЛАР

Андижон шаҳридаги "Жаҳон бозори" бир кунда неча минглаб кишиларни ўз бағрига олади. Мустафо билан Жумабой бозор дарвазаси олдида ўтган-кетгандарни кузатиб ўтиришиди. Мустафо Жумабойни туртди:

— Ана у йигитни қара. Бойваччага ўҳшайди.

Икки йигит нотаниш кимсанинг ортидан кузата бошлашиди. У автобус бекатидан узоқлашиб, шу атрофдаги маҳалла томон юрди. Бу эса зўравонлар учун айни мудда бўлди. Чунки бу пайдада маҳаллада одамлар сийрак бўлади. Тунаш учун кулай пайди.

— Ҳўв ошна, бир дақиқага мумкинми?

— Нима гап ўзи? Тинчлик-

ми? — ортига ўгирилди нотаниш кимса.

— Ҳозир тушунтириб берамиз!

Мустафо билан Жумабой уни дўппослаб, тилла соати, кимматбаҳо камари, минг сўм

бўлак нарса топишолмади.

Касалхонага келтирилган йигитнинг ҳаётини сақлаб қолинди. Иччи ишлар бўлими ходимларининг суриншируви билан Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи М. Мустафо ва М. Жумабойлар шу куннинг ўзидаёт қўлга олинди. Қўза кунда эмас, куниди, легланлари рост экан. Синади, синади, синади.

С. ҲУСАНЗОДА.

... Тўй қизиганда қизирди. Аммо ўйин-кулги авж олганда бирдан чирок учди...

Боянина мусиқа овози олами тутган тўйхона зимишонга айланди. Даврада қолганлар туртина-суртина жой қидиради. Тўй эгалари ҳайрон. Ҳафсаласи пир бўлган мемонлар тарқала бошлашиди. Монтёрга учрашган йигит:

— Симёғочлардаги электр симларни кимдир кесиб кетганмиш, — деб келди.

Ҳўш, тўйхонадагилар кайфиятини бузганлар кимлар?

Мўмай пул илинжида юрган Қаҳрамон ва Донабой "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги худудига ўрнатилган 46 та бетон устун оралиғидаги уч қатор электр симларни ўмарисиди. Тунги "ов" чакки бўлмади. Ҳар бир килограмм 2550 сўмдан бўлган 16228,3 килограмм, умумий нарихи 4.070796 сўмлик алюминий симларга дарҳол харидор топилди. Улар

хамқишлоқлари, Т. Ахмедов номли жамоа хўжалигида яшовчи Д. Чинникуловга симнинг ҳар килограммни 500 сўмдан пуллашиди. Д. эса уни Қозогистон Республикасида олиб бориб, сотиб келди.

Пулларни ўзлаштириш осон бўлмади. Бу орада тумани ИИБ ходимлари томонидан тезкор қидирив ишлари олиб бориляётганди. Калаванинг учи Д. Чинникуловга келиб тақалди. Кейин симқирқар ўғрилар ҳам ушланди.

Мирзаобод тумани жинонг ишлар бўйича судининг хўмки билан Донабой Ҳайдаров ва Қаҳрамон Шодиев 8 йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилдилар. Д. Чинникулов эса уч йилга ахлоқ тузатиши ишига хўм қилинди. Ҳа, ўз нафсини ўлаган симқирқарлар жазоларини олишиди.

Ф. ЭШОНҚУЛОВ,
милиция катта лейтенантни.

МАҲАЛЛА СПОРТЧИЛАРИ ДОВРУГИ

Пойтахтдаги А. Икромов тумани "Шодлик" маҳалласи оқсоқоли республика йўшлар маркази "Турон" яккакураши бўйича мураббий, спорт устаси Алишер Ашировнинг тақлифидан қувониб кетди.

— Ҳеч хижолат бўлма, ўғлим, — деди у Алишернинг кўнглини кўтариб. — Қандай муаммо бўлса мана, маҳалладошларинг бор. Сен савобли ишга кўл ураман дейсану, биз "йўқ" деймизми? Баракалла ўғлим, отангта раҳмат!

Шу кўниёқ маҳалла фуқаролар йигини идора-сайдан хона ажратилиб, жиҳозланди ва "Турон" яккакураши бўйича тўга-рак иш бошлади.

— Тўғрагимизга даст-лаб ўн-ўн беш нафар ўсмир аъзо бўлди, — дейди Алишер. — Унинг довругини эшитиб, талабгорлар янада кўпайди. Ярим йилда қирқ нафардан ортиқ ўсмирлар йигилди. Уларнинг спортга, мил-лий курашимизга қизиқишини кўриб, тўғракни

аввалроқ очмаганимизга ачиндим. Асосийси, ҳозир маҳалламизда аввалгидек бекор юрган болалар йўқ ҳисоби. Дастребки ютуқла-римиз: тўғрак қатнашчиларидан Даврон Шукуров шаҳарда, Содик Қосимов республикада ўтказилган куаш мусобақаларида ўз вазн тоифаларида болиб бўлдилар.

— Алишернинг эзгу ишлари боис ҳудудимизда вояга етмаганлар ҳуқуқбу-зарлги кескин камайди, — деди профилактика инспектори, милиция капитани Й. Олтибоев. — Ўсмирлар одобли, билимга чан-қоқ, муомалали. Ўзаро жанжаллашишмайди. Буни кўриб, спорт одамни ҳар томонлама камол топтира-ди, деган гап ҳақ экан, дейман.

Алишер Ашировнинг тарбияланувчилари фақат спорт билан шуғулланиб қолмасдан ўзлари яшаётган гўшани шаҳардаги энг тартибли, озода, обод маҳаллалар қаторига қўшиш мақсадида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этадилар. Маҳалла оқсоқоли, профилактика инспекторларининг яқин кўмакчиси бўлмиш спортчи ёшлардан Одилжон Қобилов маҳалла посбонлари сардори.



Посбонлар ҳам асосан тўга-рак аъзоларидан иборат. Улар тинчлик-осойишталикини сақлашда ички ишлар ходимларига сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

— Яқинда Тошкентда "Турон" яккакураши бўйича ҳалқаро мусобақа бўлади, — дейди Алишер.

— Унда АҚШ, Германия, Корея, Қозоғистон, Кирғизистон каби йигирмага яқин давлатларнинг вакиллари иштирок этади. Бу катта анжуманда Қодир Норматов, Шаҳноза Акрамова, Феруза Бегимова

ва мен иштирок этамиз. Ниятим, шогирдларимни етук спортчилар қаторига кўшиш, спортизм, айниқса "Турон" яккакурашининг довругини янада юксалтиришdir.

Алишернинг эзгу ниyatiга эришишига ишона-миз. Чунки ёшларга етакчилик қилишдек мастьулиятли ишни ўз ихтиёри билан зиммасига олган изланувчан спортчи, та-эквандо бўйича қизил белбог соҳиби Гулчехра-хон, миллий кураш бўйича спорт устаси Андабой Ашировлар тарбиясини олган Алишер Аширов ҳар қандай қийинчиликларни енга олади.

Фақат бир муаммо. Маҳаллада спорт ишларини янада ривожлантириш учун ҳомийлар керак. Бу муаммонинг ҳал бўлишида саҳоватли юртдошларимиз ёрдам беришлага шубҳа йўқ.

**Шаҳзода
ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Суратда: ёш спортчи-лар машқ пайти.

О'zbekiston
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHİRİRYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV

Bosh muharrir
o'rinnbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
R. BERDIYEV
Navbatchi:
B. TOSHEV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinnbosari 139-75-69.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi.
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
20210000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda
"Postda"dan ekanligini
ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida **00007** raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 845.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqt — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — **180**
Tashkilotlar uchun — **366**

42.584 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

СОБИР БАХТИЁРОВИЧ САЛАЕВ



ри бўлиб ишлади. 1962-1970 йиллар ора-лифида эса таҳририятга раҳбарлик килди. У мазкур лавозимда ўзини ички ишлар идо-ралари фаолиятини яхши билувчи ходим ва тажрибали журналист сифатида намоён килди. Таҳририят жамоасини жамоат тартибини мустаҳкамлаш бўйича долзарб му-аммоларни ёритишга сафарбар этди.

1973-1979 йилларда С. Б. Салаев рес-публика Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Кадрлар бошқармаси бошлиги лаво-зимида ишлади. У нихоятда меҳнаткаш бўлиб, ўз касб маҳоратини ошириш, билим доирасини кенгайтириши устида тинмай изланарди. Собир Бахтиёрович фидокорона хизмати учун кўп бор тақдирланган.

С. Салаев кўл остидаги ходимларга меҳ-рибон, фамхўр эди, улардан ёрдамини, қим-матли маслаҳатларини аямасди. Уларнинг ишидаги камчиликларни рўй-рост айтар, холис баҳо берарди.

У 1979 йилда ички хизмат полковниги увононида истеъфога чиқди. Нафақада бўлса ҳам республика ИИВ Фахрийларни ижти-мойи кўллаб-куватлаш жамоатчилик мар-кияни фаолиятида фаол қатнашиб келди.

Ажойиб инсон, садоқатли дўст, ўз кас-бининг фидойиси Собир Бахтиёрович Салаевнинг ёрқин хотириаси қалбларимизда мангу сакланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Фахрийларни ижтимойи кўллаб-куватлаш жамоатчилик маркази.

ЎРАЗБАЙ НУРЖАНОВ



нат фаолиятини темир йўл ишчиси сифатida бошлиди. 1966 йилда Ҳўжайли тумани ИИБга инспектор вазифасига хизматга қабул қилинди. У ички ишлар идоралари милиция участка вакили, Тахиатош шаҳар ИИБ, Ҳўжайли шаҳар ИИБ бошлиги, Коқақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари сифатида жиноятчиликка қарши курашга саломкил ҳисса кўшиди.

Ў. Нуржановнинг давлат олдидағи хизматлари муносаби баҳоланди. Унга "Коқақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" фахрий увонини, қатор медаллар берилди. Тарбиялаб етиштирган шогирдлари ва иккى ўғли унинг шарафли ишини давом этти-ришияти.

Мехнатсевар, фидойи ходим, талабчан раҳ-бар Ҳўзбай Нуржановнинг ёрқин хотириаси ҳамиша қалбларимизда сакланади.

Коқақалпогистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бир-лашган таҳририят жамоаси ички ишлар идоралари фахрийси, "Постда" — "На посту" газеталарининг собиқ раҳба-ри, истеъфодаги ички хизмат полковниги

Собир САЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ма-рхумнинг оила аъзолари ва яқинларiga чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭРГАШ УРУМБАЕВ



Истеъфодаги милиция полковниги Эргаш Урумбаев 62 ёшида тўсатдан вафот этди. У 1940 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида таваллуд топди. Ички ишлар идораларида хизмат фаолиятини 1963 йилда Тошкент шаҳар ИИБ жамоат тартибини саклаш бошқармаси давлат автомобил назорат хизматида бошлиди. Э. Урумбаев 1964-1967 йилларда шу бошқарма ДАН дивизиони инспектори вазифасига ишлади. Хизматда ўнрак кўрсатгани учун 1969 йилда шу дивизион командирининг ўринбосари этиб тайинланди. У 1972 йилгача ДАН тизимида турли вазифаларда фаолият кўрсатди.

Сўнг иккى йил давомида Э. Урумбаев Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБда терговчи лавозимида хизмат килди. 1975-1980 йиллар оралифида у Тошкент вилояти ИИБнинг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш хизматида фаолият кўрсатди. Мазкур соҳада муайян тажриба тўплагач, у республика ИИВ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш хизматида 1982 йилгача бўлим бошлиги лавозимида ишлади.

Э. Урумбаев 1985 йилгача республика ИИВ ДАН бошқармасининг турли бўлимларига бошчилик килди. Сўнг беш йил мобайнида Сурхондарё вилояти ИИБ ДАН бўлими бошлиги лавозимида хизмат килди.

1990-1996 йилларда ИИВ тергов ва жиноят қиди-рув бошқармаларида турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат килди.

Э. Урумбаев милиция полковниги увононида, республика ИИВ шахсий таркиб бўйича маҳсус инспекция бошлиги лавозимида истеъфога чиқди. У хизматдан узилмаган ҳолда 1970 йилда Тошкент политехника институтини, 1984 йилда Тошкент юридик факультетини тутгади.

Эргаш Урумбаев қайси лавозимда ишламасин, ўзини меҳнатсевар, қобилиятли ходим, талабчан ва фамхўр раҳбар сифатида кўрсатди. Унинг ёрқин хотириаси қалбларимизда абадий сакланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Фахрийларни ижтимойи кўллаб-куватлаш жамоатчилик маркази.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах шаҳар ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани

Исматилло ҚОСИМОВнинг фожиали ҳалок бўлганилиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларiga чуқур ҳамдардлик билдирадилар.